БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 21 (12.374) | Жума, 25 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

Совет кишисининг ижодий меҳнати ва ақл-заковати билан коммунизм ҳавозаси тобора баландроқ кўтарилмоқда. Инсониятнинг эзгу орзу-ниятлари рўёбга чиқадиган қутлуғ жамият — коммунизм барпо этишга ўй-жой пойдеворига гишт қўйётган, экономикамизнинг гигантларини қураётган олтин қўл бинокорлар катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети томонидан чақирилган, бугун Тошкентда очиладиган республика қурилиш ташкилотларининг кенгашида ўтган йилда капитал қурилиш планининг бажарилиш якунлари ва 1963 йилдаги вазифалар муҳокама қилинади.

Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида республикамизда 250 тадан кўпроқ йирик корхона ва цехлар ишга туширилди. Умумий сатҳи 6,5 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жойларга меҳнаткашлар кўчиб кирдилар.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев таъбири билан айтганимизда, ҳаётда янгиликка йўл очувчи ажойиб кишилар бўлган қурувчиларимиз 1963 йилда ҳам экономика ва маданиятимизни янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни шараф билан бажарадилар.

БИНОКОРЛАР «ЛАББАЙ» ДЕМОҚДАЛАР

Янгиликнинг қаноти бор. У юзага келиши билан тез парвоз қилади, кенг ёйилади. Куни кеча қардошларимиз ибратли ташаббус бошлаганда ҳам худди шундай бўлди. «Луганскхимстрой» комбинати ҳамда Украинадаги Шимолий Донецк қурилиш ташкилотлари коллективлари химия саноатининг янги қувватларини муддатидан илгари ишга туширишга қатъий бел боғладилар. Ана шу аҳдларини рўёбга чиқариш учун оширилган мажбуриятлар олдилар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС бу олижаноб ташаббусни маъқуллаб, махсус қарор қабул қилди.

Қардош бинокорлар ташаббуси мамлакатимиз қурилиш ташкилотлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Республикамиз қурувчилари ҳам украиналик ҳамкасбларининг ватанпарварлик ташаббусига «лаббай» деб жавоб бермоқдалар. Химия саноати корхоналарини қураётган, ишлаб турганларини реконструкция қилаётган қурилиш ташкилотлари коллективлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, объектларни муддатидан илгари ишга туширши юзасидан оширилган мажбуриятлар олаётирлар.

Фарғона азот ўғитлари заводи химия корхоналари даврасига бултур қўшилди. Минглаб тонна минерал ўғит далаларга жўнатилди. Аммо корхона ҳали лойиҳадаги қувватга эришгани йўқ. Республика Қурилиш министрлигига қарашли 8-трест бинокорлари қурилаётган аммиак селитраси цехини шу йил тўртинчи кварталида ишга туширишга сўз бердилар.

705-қурилиш бошқармаси коллективи бултир хижолатда қолди: Қўқон суперфосфат заводида янги қувватларни ишга солиш юзасидан бошланган иш поёнига етказилмади. Украиналик бинокорлар ташаббусига қўшилган бу коллектив заводнинг аммонийлаштирилган суперфосфат цехини биринчи кварталда тўла қуриб битказиш мажбуриятини олди. «Ўзтрансспецстрой» трестининг ишчи-хизматчилари эса корхона канализациясини узоғи билан 15 мартгача тамомлаш учун курашни кучайтириб юбордилар.

Самарқанд суперфосфатчилари январнинг икки ўн кунлигида планнинг 10 процента миқдорида қўшимча минерал ўғит тайёрладилар. Суперфосфатчилар етти йилликнинг бешинчи йилида янги марраларни кўзламоқдалар. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш тағин ҳам кўпайтирилади. Олтингугурт кислотаси тайёрлаш кенг йўлга қўйилади. Бунинг учун корхона реконструкция қилинмоқда. 703-қурилиш бошқармаси коллективи қишлоқ хўжалигига қўплаб минерал ўғит етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилиб, реконструкциялаш ишларини муддатидан ўн беш кун илгари адо этиш тадбирларини белгилаб чиқди.

Украиналик қурувчилар бошлаган ташаббус химия корхоналарини барпо қилаётган бинокорлар ўртасидагина эмас, балки республикамиздаги барча қурилиш ташкилотларида ҳам кенг муҳокама қилинмоқда. Илғор ишчилар, инженер ва техник ходимлар қурилиш ишларини тезлаштиришга қаратилган кўплаб таклифлар киритмоқдалар. Бундай таклифларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш саноатимизнинг карвонбошиси бўлиб қолган химия индустриясининг тез суръатлар билан ривожланишига ёрдам беради.

М. СУЛТОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» штатсиз мухбири.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАГА

Социалистик ижтимоий тузум инсоннинг камол топиши учун, маънавий-сиёсий жиҳатдан ўсиши, изланиши, янгилик кашф этиши учун ўз талант ва ижодий қобилиятини жўш урдириш учун битмас-туганмас имкониятлар очиб берди. Ватанимиз шон-шуҳратини ошираётган, моддий бойликлар яратаётган, ўз тақдирини, қаҳрамонона меҳнатини халқ бахт-саодати учун бағишлаётган юз мингларча кишилар, даврримизнинг машъаллари мана шу имкониятлар мавжуд бўлгани учун ҳам ўз кучларини, билим ва меҳнатларини юксакликка кўтара олдилар.

Совет кишисининг меҳнати қаҳрамонлик эпопеясидир, ижодкорлик мактаби, ўсиш, улғайиш рамзидир. Қаранг, коммунизмнинг муҳташам биносини тиклаётган кишиларнинг ғайрат-ташаббуси якка-ёлғиз эмас, балки оммавий тус олган қудратли ҳаракатдир. Оҳангарон шахтёри. Чирчиқ химиги. Чилонзор қурувчиси. Қорақалпоқ нурчиси, Марғилон ипакчиси, Хоразм пахтакори, Бухоро газчиси, Самарқанд соҳибкори, Бешкент чорвадори — мана шу замондошларимиз меҳнати олам-олам янгиликлар билан тўлиб тошгандир.

Сўнгги йилларда саноат корхоналарида, қурилишларда ва транспортда, колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, экиндардан мўл ҳосил етиштириш, чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш юзасидан илғор тажрибаларни ўрганадиган мактаблар, курслар вужудга келди. Ўтган йили республикамизда илғор тажриба мактабларида 5834 механизатор, маккажўхорикор ва чорвадор таълим олди. Шунингдек, колхоз ва совхоз кадрларидан 47 мингдан кўпроқ киши илғор тажриба мактабларида малакани ошириш курсларида ўқиди.

Пахтадан энг юқори ҳосил етиштираётган ва бу экинни комплекс парвариш қилаётган, деҳқончиликнинг энг қийин ва мураккаб жараёни — пахта йиғиб-теримини машиналаштиришда жуда катта одим ташлаётган ҳамда бу соҳада том маъноси билан революцион бурилиш ясаётган Турсуной Охунова номи билан аталган жуда кўп қисқа муддатли мактабларда минг-минглаб йигит ва қизлар таълим олмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети илғор хўжаликлар ва новаторларнинг тажрибаларини барча қишлоқ меҳнаткашларига ўргатишни уюштириш ҳақидаги қарорида партия ва совет ташкилотлари зиммасига қишлоқ хўжалигида вужудга келган янги, илғор тажрибаларни кенг ўрганиш ва жорий этиш ҳамда колхоз ва совхоз кадрларини тайёрлашга жиддий эътибор бериш вазифасини юклади. Қарорда айтилганидек, колхоз, совхоз кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, илғор тажриба мактабларида ҳар бир мутахассислик юзасидан ўқиш планлари ва программасини тузиб чиқиш, илмий тадқиқот институтларининг ходимлари кучи билан илғор тажриба мактаблари ишига амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта қурилганлиги муносабати билан фан ва техника муваффақиятларини илғорлар тажрибасини чуқур ўрганиш катта аҳамият касб этмоқда. Модомики, раҳбарлик ишлаб чиқариш билан узвий боғланар экан ва бу раҳбарлик саноат ва қишлоқ хўжалигини тағин ҳам юксак даражада ривожлантиришни тақозо этар экан, шундай бир пайтда илғор, прогрессив иш усулларини жорий этиш, техника тараққиёти учун кураш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида комплекс механизацияни амалда қўлланиш айниқса зарурдир.

Шу кунларда шонли ишчиларимизнинг энг яхши вакиллари, республикамизда шуҳрат қозонган кишилар — қурилиш комплекс бригадасининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Г. Дудина, Низом Ғозиқулов, сурхондарёлик экскаваторчи Б. Тихомиров, қурувчи Абдулла Воҳидов, газ кони пармаловчиси Эргаш Ҳикматов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг машъали, пахтачилик академиги Валентин Тюпко, «зангори кема» капитани ажойиб новатор Турсуной Охунова, Меликўзи Умрзоқов, Мамажон Дадажонов, донгдор маккажўхорикор Любовь Ли, сут соғувчи Анастасия Чудная ва бошқалар шундай мактаб яратдиларки, бу мактабларда минг-минглаб ишчилар, колхозчилар, чорвадорлар ва бошқа касб эгалари таълим олмоқдалар. Булар чин маъноси билан илғор тажриба, юксак меҳнат мактабларидир.

Ҳозир ҳамма жойда илғорларнинг иш усулини ўрганиш юзасидан қисқа муддатли курслар, семинар машғулотлари ўтказилмоқда, суҳбатларда, лекцияларда, партия сиёсий маорифи шохобчаларидаги тўгаракларда шу илғор кишиларнинг мўътабар ишлари тўғрисида мисоллар келтирилмоқда, газета ва журналларда, радио ва телевидениеда улар ҳақида лавҳалар, очерклар, ҳикоялар ёзилмоқда, илғор тажриба минбарлари ташкил этилмоқда.

Лекин қилинаётган бу ишлар билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Илғор корхоналар, хўжаликлар ва новаторларимизнинг тажрибасини ўрганиш, пропаганда қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш вақтли, ўткинчи иш эмас, балки бу доимий ҳаракатдаги жонли ва ҳаётий масаладир. Мактаб ва курсларда машғулотларни шу кунларда бутун қиш давомида қизғин давом эттириш айниқса муҳимдир. Чунки дала ишлари бошланиши биланоқ у ёки бу соҳада илғор тажрибани қўлланиш ва барча тадбирларни мана шу илғорлар тўплаган тажриба асосида олиб бориш хўжалик соҳасида эришиладиган муваффақиятларимизнинг гаровидир.

Илғор тажрибалар тўғрисида умумий чақириқ ва даъватларгина кифоя қилмайди, аксинча кишиларни яхши ишлашга, новаторлар сафидан ўрин олишга, ҳамма фойдали нарсаларни ўрганиб боришга даъват этиш учун даставвал илғор тажрибаларнинг моҳиятини, янгилик кашф этганларнинг иш методлари ва усулларини чуқур билиш, шу тўғрида мустақил малакага эга бўлиш зарур.

«Илғор кишиларимиз қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида бор, — дейди Никита Сергеевич Хрушчев. — Мана шу илғор кишиларга тенглашайлик, тўғри йўл тутайлик. Фалон ишни қилинглар, онгли бўлинглар, ўртоқлар ва ҳоказо, деб гап сота бермайлик, умумий даъватлар билан чекланиб қолмайлик. Бунинг ўрнига ўзимиз илғорларнинг иш методларини билиб олайлик, шу илғор кишилардан ўзимиз ўрганишимиз керак, ўзимиз ўрганиб ва бошқаларни илғорлардан ўрнак олишга чақирибгина қолмасдан, шу билан бирга, одамларнинг ўз қадларини ростлаб олишларига, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этишларига ташкилий жиҳатдан ёрдамлашайлик. Шундагина тез олға бора оламиз».

Илғор корхоналар, хўжаликлар ва новаторларнинг тажрибаси умумхалқ мулкидир. Бу мулкни кўз қорачиғидек асраб ва бойитиб, ундан коммунистик йўлимизни ёрқинроқ ёритиш учун фойдаланса, ана шунда социалистик экономикамиз янада равнақ топади, моддий бойликларимиз кўпаяди, социалистик ишлаб чиқариш янада юксакликка кўтарилади.

ЯНГИ МАЖБУРИЯТИМИЗ

«Луганскхимстрой» комбинати ҳамда Украина ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги Шимолий Донецк ташкилотларининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари катта химия корхоналарини қураётган бинокорлар ва монтажчиларнинг барча коллективларига мурожаат қилиб, уларни 1963 йилда химия саноатининг янги қувватларини муддатидан олдин ишга туширши учун социалистик мусобақани авж олдиришга чақирдилар.

8-қурилиш трести Фарғонада етти йилликнинг улкан иншоотларини бунёд этмоқда. Биз украиналик қурувчиларнинг чақиригига қўшилиб, химия саноати объектларини муддатидан илгари фойдаланишга топширишга қарор қилдик. Область қурувчиларининг актив йиғилишида Фарғона азот-ўғитлари заводидаги аммиак ишлаб чиқарадиган цехларни дастлаб белгиланганига нисбатан бир ой илгари қуриб битказишга қарор қилинди. Фарғона гидролиз заводида ҳам янги-янги қувватлар муддатидан 30 кун илгари экономикамиз тараққиёти йўлида хизмат қила бошлайди.

Фарғона тўқимачилик ва Марғилон шойи комбинатлари реконструкциясини ҳам муддатидан илгари тугатишга аҳд қилдик.

А. АЛЬТУХОВ,
8- қурилиш трестининг бошқарувчиси.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ БЕРЛИНДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездининг ишида қатнашган КПСС делегацияси 24 январда Ватанга қайтиб келди.

Брестда делегацияни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат ва Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Т. Мазуров, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Козлов, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Брест областининг раҳбар ходимлари кутиб олдилар.

Делегация бошлиғи — КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев Белоруссияда бир неча кун бўлади.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний Брестдан Киевга жўнаб кетди.

Делегациянинг бошқа аъзолари 24 январда Москвага қайтиб келдилар. (ТАСС).



Тошкент ГРЭСи қурувчилари бу улкан нурхонанинг биринчи навбатини шу йилнёқ ишга туширши учун қатъий бел боғлаганлар. Суратда: станция бош корпус қурилишининг умумий кўриниши. Олдинги планда қурилиш илғорларидан бир группаси (чапдан ўнгга), монтажчилардан М. Рисмуҳамедов, Г. Жалобин, электр пайвандчилардан В. Попов ва И. Карцев ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ АЖОЙИБ ТАШАББУСИ

«Бахмал» совхози коллективининг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи бюроси Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Бахмал» совхози коллективининг социалистик мажбуриятларини маъқуллади ва область партия комитетлари, партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармаларига шу мажбуриятларни колхоз ҳамда совхозларнинг чорвадорлари ўртасида муҳокама қилиб чиқиш ва чорвадорлар ҳамда мутахассисларнинг куч-ғайратини чорвачиликни ривожлантириш юзасидан етти йилликнинг бешинчи йили планини тўла бажаришга қаратишни топширди.

«Бахмал» совхози коллективи КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини ўрганиб, чорвачиликни юксалтиришнинг янги резервларини қидирмоқда.

Чорвачилик — совхознинг асосий тармоғи. Фермаларимизда қорамоллар, қўйлар, чўчқалар ва парандалар боқилади. Хўжалигимиз гўшт, сут, жун, тухум етиштириш юзасидан етти йилликнинг ўтган тўрт йили топшириғини ошириб бажарди. Ялпи дон ҳосили 1958 йилда 274 минг пуд бўлган эди, 1962 йилда 684 минг пудга етди. Об-ҳаво ноқулай келган булутли йили ҳам гектаридан 9 центнердан дон олинди. Лекин коллектив ўтган йили маҳсулотларнинг айрим турларини етиштириш планини бажара олмади.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев Калиновка қишлоғида бўлган йиғилишда сўзлаган нутқида у ёки бу хўжалик маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имконияти йўқлиги учун эмас, балки ўз имкониятларидан оқилона фойдалана олмаётганлиги учун ҳам кейинда қолмоқда деган эди. Биз бунга ўз тажрибамизда ишонч ҳосил қилдик. Ўтган йилги хўжалик фаолиятига якун ясалаётганда совхоз давлатга гўшт, сут, жун топшириш планини имконият йўқлиги учун эмас, балки меҳнатни тўғри ташкил этолмаганлиги, техникадан тўғри фойдалана олмаганлиги, баъзан хўжаликда чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд бўлган жуда катта резервларни қидириб топа олмаганлиги ва ишга сололмаганлиги учун ҳам планни бажармаганлиги аниқланди. Хўжаликка раҳбарлик қилишдаги жиддий хатолар очиб ташланди. Молларнинг қисир қолишига қарши етарли курашилмаслиги оқибатида бола олиш камайиб кетди. Гўштга ориқ моллар топширилиши сабабли кўплаб мол гўштга топшириб юборилди. Моллар ҳамон кўплаб нобуд бўлмоқда. Хўжалик ана шунинг учун ҳам ўтган йили давлатга 100 тоннадан зиёдроқ гўштни кам берди.

Коллектив етти йилликнинг бешинчи йилидаги вазифаларини аниқлаб олди. Булутургига нисбатан 278 тонна кўп — 825 тонна гўшт етиштиришга, давлатга гўштни ҳар кварталда сотишга, йил мобайнида гўштга топшириш учун 1300 қорамолни сўқимга боқишга, 2 минг 5ош чўчқани семиртиришга, 6500 бош қўйни бўрдоқи қилишга қарор қилинди.

Коллектив бу режасини амалга ошириш учун нималар қилмоқчи?

Барча турдаги моллар каттакатта группаларга ажратилиб, планли равишда бўрдоқи қилинади ва ўтлатиб боқилади. Бир кечакундузда қорамолнинг ўрта ҳисобда 600-700 грамм, чўчқанинг 500-600 грамм ва қўйнинг 100-120 грамм семиришига эришилади.

Молларни бўрдоқи қилиш ва ўтлатиб семиртиришни уюштириш тубдан яхшиланади. Озуқани тайёрлашга — ачитиб, димлаб ва тузлаб беришга алоҳида эътибор қилинади. Биоген стимуляторлардан кенг миқёсда фойдаланилади.

Молларни семиртиришнинг илғор усулларини жорий қилиш ўгшт етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради. Биз гўштга топириладиган ҳар бир қорамолнинг тирик вазнини 250 килограммга, чўчқанинг тирик вазнини 100 килограммга ва қўйнинг тирик вазнини 45 килограммга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Моллардан кўпроқ бола олиш — иккинчи йирик резервдир. Ҳар 100 сигирдан 90 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан 95 тадан қўзи, ҳар юз урғочи чўчқадан 3600 бош бола олишни вазифа қилиб қўйдик. 900 бош танача ажратилиб, алоҳида боқишга қўйилди, бундан 250 таси бу йил болалаши мумкин. Сунъий урчитиш пунктининг ишн яхшиланди. Молларнинг қисир қолишига қарши курашиш мақсадида биоген дориларидан фойдаланилади.

Нурота чорвадорларидан ибрат олиб, биз жамоат чорва молларини тўла сақлаб қолиш учун астойдил курашамиз. Молларнинг барча турлари бўйича туғғини кўпайтириш юзасидан 1963 йил планини бажарамиз.

Молларга яхши озуқа бериб боқиш — чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилидир. Биз бу йил сутаси билан 13 минг 400 тонна маккажўхори силоси ёки ҳар бир сигирга 10 тоннадан кўпроқ силос бостирамиз. Молларга бериш учун 4600 тонна арпа, 6 минг 200 тонна пичан, беда, 330 тонна қанд лавлаги, 1200 тонна кўк хашаки нўхат пояси тайёрлаймиз. Табиий пичанзордан ўриб олиш йўли билан 9 минг 800 тонна хашак ғамлаб қўямиз.

Совхоз партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари хўжаликдаги барча меҳнат аҳлини олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашга сафарбар этадилар. Барча фермалар, бригадалар ва чорвадорлар реал имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, мажбурият олдилар. Раҳмонқул Қорабеков бошлиқ бригада қорамолларни сўқим қилиш йўли билан йил мобайнида 286 тонна мол гўшти етиштиришга аҳд қилди. Чўчқа боқадиган ферма ишчилари ҳар бир асосий урғочи чўчқа ҳисобига бир мартадан болалайдиган 3 тадан чўчқа олиб, урғочи чўчқаларни кўпайтирадилар. Чўчқабоқар Владимир Хен 2.000 бош чўчқани семиртириб, камида 2 минг центнер гўшт сотишга сўз берди. Илғор чўпонлардан коммунист Ҳақра Худойбердиев, Абдусалом Ражабов, Салай Мажидов ва Товбой Фармоновлар ҳар юз совлиқдан 110-120 тадан қўзи ва ҳар бир қўйдан 2,9-3 килограммдан жун олиш учун курашадилар.

12 минг 300 гектар майдонга дон экамиз, гектаридан 10 центнердан дон оламиз ва 750 минг пуд дон етиштирамиз.

Мусобақани ўз вақтида якунлаб, илғорлар тажрибасини оммалаштирамиз. Совхозда чорвадорлар ва механизаторларнинг малакасини ошириш постлари ташкил қиламиз.

Чорвачилик совхоз экономикасида етакчи ўрин тутади. Коллектив чорвачиликни ривожлантириш учун астойдил курашиш билан бирга, хўжаликнинг бошқа тармоқларини ҳам, шу жумладан, боғдорчилик ва узумчиликни ҳам ривожлантириш учун курашади. Совхоз областдаги суғорилмайдиган зонада бўлган хўжаликлар орасида биринчи бўлиб лалмикор ерларда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантира бошлади. Ҳозир 215 гектар боғ ва 240 гектар токзор барпо қилинди. Бу йил 80 гектар боғ ва 70 гектар токзор қилиш мўлжалланади.

Коллективимиз барча резерв-ларни ишга солиб, «Бахмал» совхозини қисқа муддатда юқори рентабелли намунали хўжаликка айлантириш учун барча чораларни кўради.

Бу мажбурият Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Бахмал» совхози ишчилари, мутахассислари ва хизматчиларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб қабул этилган.

Советларга Сайловлар олдидан

3 МАРТ

САЙЛОВЧИЛАР ОРАСИДА

ҚОРАКЎЛ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар муносабати билан бошқарма хўжаликларида тузилган 33 агитпункт ишлаб турибди. Бошқарма партия комитети агитаторлар составини қайта кўриб чиқди. Бир ярим мингга яқин агитатор ишлаб чиқариш бригадаларида, чорвачилик фермаларида, ташкилот ва корхоналарда, қурилиш ва хонадонларда сайловлар тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқда.

Район маданият уйида, кутубхона ва клубларда «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик система», «Депутат — халқ хизматкори» ва бошқа темаларда китоб витриналари, фото виставкалар ташкил этилди. Маданий-оқартув муассасаларида сайловчилар билан савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Бу кечаларда, кўргазмали виставкаларда район механиклаштириш сайловдан-сайловгача эришган катта муваффақиятлари акс эттирилмоқда.

Бошқарма партия комитети яқинда бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ва агитпункт мудирларининг семинарларини ўтказди. Бунда сайловчилар орасида агитация ишларини яхшилаш юзасидан фикр алмашилди.

Районда ташкил этилган агитмашина Қизилқум яйловларида ишлаётган чорвадорлар ҳузурига жўнаб кетди.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН ЛЕКЦИЯ ВА КЕЧАЛАР

Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият Тошкент бўлимининг аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга бўлажак сайловлар муносабати билан ўз лекция ва докладларини сайлов қонунини тушунтиришга бағишламоқдалар.

Чилонзор массивида уй-жойлар қураётган юзга яқин ишчи тушки танаффус вақтида қурилиш майдончасига тўпланди. Жамият аъзоси, юрист А. З. Шпун «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик сайлов системасидир» деган темада лекция ўқиди.

Жамият аъзолари корхоналарда, қурилишларда, клубларда ва агитпунктларда «Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда Советларнинг ролини ошириш тўғрисида КПСС Программаси», «Социалистик давлатнинг ижтимоий-сиёсий ўз-ўзини бошқаришга ўсиб ўтиш йўллари», «Олий Совет — республика давлат ҳокимиятининг энг юқори органи», «Депутат — халқ хизматкори» деган темаларда ва бошқа темаларда лекциялар ўқимоқдалар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Шаҳар Советининг навбатдаги сессияси Тошкентни ривожлантириш масалаларига бағишланди. Шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Н. Нишонов депутатлар олдида 1962 йилги иш якунлари ҳақида ҳисобот берди ва 1963 йилги план ҳақида гапириб берди. Сессия, шунингдек, шаҳар молия бўлими мудири А. Назировнинг Тошкентнинг 1963 йилги бюджети лойиҳаси ҳақида ва 1931 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги докладини ҳам тингладилар.

Депутатлар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ўзбекистон пойтахтини ривожлантириш тўғрисида отаётган ғаҳ ўрлик кўрсатаётганликларини камчиликлар билан қайд қилдилар. СССР Министрлар Советининг Тошкентда уй-жой қурилишини кучайтириш ва унинг ободончилик даражасини ошириш ҳақидаги қарори бунинг ёрқин далилидир.

Ўтган йили шаҳарда капитал қурилиш анча ошди. Бу мақсадларга ажратилган маблағ 111,2 миллион сўмга етди.

Депутатлар муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, шаҳар хўжалигини ташкил қилиш соҳасидаги камчиликларни кўрсатиб ўтдилар.

Депутатлар шаҳар ва район Советлари ўтказаётган ташкилотчилик ишларини кучайтириш, сайловчиларнинг наказларини амалга оширишда доимий комиссияларнинг ролини ошириш заруллиги ҳақида гапирдилар.

Сессия шаҳар хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик бешинчи йилига мўлжалланган планини тасдиқлади. Бу планда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини анча ошириш, капитал қурилишни кенгайтириш кўзланмоқда. Икки юз минг квадрат метрга яқин уй-жой майдони фойдаланишга топширилади. 26 мактаб биносини қуриш, мактабларда қўшимча синфлар қуриш кўзда тутилади.

Шаҳарни обод қилиш юзасидан катта ишлар қилиш мўлжалланади: скверлар ва бульварлар барпо этилади, ярим миллион дарахт кўчати ўтказилади. Турли binolar ва уй-жой binolarining капитал ремонтига беш миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади. Шаҳар транспортининг янги маршрутларида ҳаракат бошланади. Яна 25 минг квартира газ билан таъминланади.

Сессияда Тошкент шаҳрининг 1963 йилги бюджети тасдиқланди. Бюджетнинг асосий маблағи — ярмидан кўпроғи социал-маданий тадбирларга сарфланади. (ЎзТАГ).

Раиса Багаутдинова ва Надежда Черкасова ўртоқлар Янгийўл тикув-пойафзал фабрикасининг илғор ишчиларидан. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлари сайловлари шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, смена топшириқларини 125-130 процент бажармоқдалар. Суратда: Р. Багаутдинова (чапда) ва Н. Черкасова ўртоқлар.

Қ. Турсунов ва Ҳ. Эралиев фотоси.

ЯХШИ ТАРАДДУД

УРГАНЧ, («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири). Янгариқ, Шовот, Хева ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, қишлоқ Советларининг секретарлари ва бошқарма партия комитетининг ходимлари билан семинарлар ўтказдилар. Семинарда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайловларига тайёргарлигининг бориши ҳамда сайловчилар орасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тадбирлари муҳокама қилинди.

Шу кунончли кунларда областнинг ҳамма сайлов участкаларида агитаторлар ва қишлоқ интеллигентлари сайловчилар орасида суҳбатлар ва тушунтириш ишларини қизитиб юбордилар. Улар сайловчиларни рўйхатга олишда актив ёрдам бермоқдалар.

Хева ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ленин номли колхоз партия ташкилоти ҳузуридаги агитколлективга 70 агитатор уюшган. Ҳар 15-20 сайловчига бир агитатор бириктирилган.

Агитаторлар аҳолига КПСС XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини ҳамда сайлов Низомини пухта тушунтириб; 1963 йилда олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланиш тадбирларини кўрсатмоқдалар.

МАҲАЛЛА КЛУБИДА

САМАРҚАНД. («ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МУХБИРИ). ШАҲАРДАГИ «РОҲАТ» МАҲАЛЛАСИДА АҲОЛИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ЯНГИ КЛУБ ОЧИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЯ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН БУ ЕРДА АГИТПУНКТ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ЯХШИЛАБ ЖИҲОЗЛАНДИ. САЙЛОВГА ДОИР АДАБИЁТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.



ТОШКЕНТ. Тўқимачилик машиналари бўйича махсус конструкторлик бюросининг мутахассислари Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг эксперименталь цехи ходимлари билан ҳамкорликда янги урчуқ машинасини яратдилар. Бу заводда аввал қўлланилиб келинган шу типдаги машинага нисбатан бирмунча афзалликларга эга. Меҳнат унумдорлиги 10-15 процент ошган, конструкцияси соддалаштирилган. СУРАТДА: конструкторлик бюросининг етакчи конструктори Т. Пак (чапда) ва «Таштекстильмаш» заводининг йиғувчи слесари И. Кальченко янги машинани кўздан кечирмоқдалар.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЖУРНАЛХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яқинда Янгийўл шаҳар маданият уйида КПСС Марказий Комитетининг органи «Агитатор» журнали ўқувчиларининг конференцияси бўлди. Конференция қатнашчилари журнал редакторининг ўринбосари М. С. Курьяновнинг журнал редакцияси фаолияти ҳақидаги ахборотини қизиқиб тингладилар.

—Журналнинг асосий мақсади, — дейди нотиқ, — СССРда коммунизм қурилиши Программасини кенг пропаганда қилишда агитаторларга ёрдам беришдан иборатдир.

Шундан сўнг бошланган қизғин музокараларда республикада хизмат кўрсатган механизатор, «Партия XXI съезди» колхозининг бригадири Т. Раимова, «Ўзсельхозтехника» район бўлими ҳузуридаги агитпункт мудири В. Кватковский, гўшт комбинатининг старший мотёри Р. Устабобоев ва бошқа ўртоқлар сўзладилар. Улар «Агитатор» журналининг муҳим қўлланма эканлигини айтиб, келгусида бу журнал саҳифаларида Ўзбекистон пахтакорларига таллаётган мақолаларнинг кўпроқ бериб турилишини илтимос қилдилар.

Ш. Қосимов.

ЗАМОН ТАЛАБИ

УЙҒУН

Жаҳонда биринчи бор инсониятнинг асрий орзуларини амалга ошираётган, оламда биринчи бўлиб коммунизм жамиятини қураётган, тинчликка таянч, озодликка асос бўлган улуғ Ватанимиз бутун дунё халқлари учун сўнмас машъал, ёруғ юлдуз бўлиб гўзал келажакка йўл кўрсатиб турибди.

Улуғ Ватанимиз, қудратли давлатимиз, олий маданиятимиз, илғор фанимиз, юксак санъатимиз, ажойиб адабиётимиз жаҳон меҳнаткашларининг фахри бўлди.

Социалистик реализм методи асосида ривожланаётган, бадиий жиҳатдан юксак, энг илғор, энг инсоний, энг улуғ ғояларни таранум қилаётган совет санъати ва адабиёти миллионларнинг ҳурматига ва муҳаббатига сазовор бўлмоқда.

Совет театри, совет балети, совет музикаси дунёнинг қайси бурчагида кўрсатилмасин, ижро этилмасин қалбларни мафтун этмоқда.

Космик фазони эгаллаб, узоқ сайёраларга йўл очаётган ёш ва техникамизнинг донгини ким эшитмаган?

Бутун дунёнинг кўзи, қулоғи ўзида!

Тараққиқшаётган инсоният, жаҳонгирлик, қуллик занжирларини парчалаб илғорлаётган тинчликсевар халқлар биздан намуна ва илҳом олмоқдалар.

Совет даврида халқ орасидан ажойиб олимлар, санъаткорлар, ёзувчилар ва бошқа соҳаларда ишлайдиган зиёлилар етишиб чиқди. Ленин таълимоти билан қуролланган, коммунизм қуриш ишида, ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялашда, партиямиз томонидан қўйилган улуғ, тарихий, шарафли вазифаларни бажаришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган илғор совет зиёлилари халқимиз ҳурматини қозонмоқда. Давлатимиз улар учун лозим бўлган бутун шарту шароитни яратиб берган.

Партиямизнинг адабиёт ва санъатга нисбатан кўргазиб келаётган ғамхўрлиги учинг тарихий қарорларида, программасида, партия матбуотининг мақолаларида, партия ва ҳукумат раҳбарларининг санъат ва адабиёт арбоблари билан бўлган учрашувлари — суҳбатларида, маслаҳат ва ёрдамларида яққол сезилиб туради.

Санъат ва адабиётимизнинг кекса, ўрта ва ёш арбоблари бир ёқадан бош чиқариб,қўлни қўлга бериб, бир-биридан ўрганиб, бутун куч, бутун истеъдод ва бутун имкониятини сафарбар қилиб, партия ва халқимизнинг шу катта ғамхўрлиги ва буюк муҳаббатини оқлаб, коммунистик маданиятимизни ривожлантириш йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар.

Шундай бир пайтда, ўзларини санъаткор ҳисоблаб юрган баъзибир калта фаҳм, диди паст одамларнинг ғарбдаги ўлиб бораётган, чуви чиққан, бадбин, қолоқ санъатга тақлид қилиб, рассомнинг қўли билан эмас, балки эшакнинг думи билан бўялганга ўхшаган, ажи-бужи бўтқа «асар»лари ғазабимизни келтиради.

Тарихнинг ҳукми билан ўлимга маҳкум бўлган буржуа жамиятининг жон талвасасини ифодаловчи, ҳаётга, келажакка, инсонга нисбатан ишончсизлик, нафрат туйғуларини уйғотадиган, инсоннинг юксак идроки ва пок қалбини ҳақорат қиладиган тушкун, реакцион санъат, ҳар хил «изм»ларни янгилик ахтариш ниқоби остида халқимизга тақдим қилмоқчи бўлганлар шафқатсиз зарбага учрамоқлари лозим. Улар янгилик деб кўтариб юрган формализм, абстракционизм ва бошқа «изм»лар янгилик эмас, балки аллақачон рад этилган, тарих аравасидан алла қачон тушиб қолган эски-тускилардир.

Агар эҳтиёт бўлинмаса, ёт ғояларнинг таъсири бошқа соҳаларга ҳам суқилиб кириши мумкин. Бундай ҳодисани музика соҳасида ҳам учратганмиз.

Яқингинада жаз, енгил музика номи билан тарқала бошлаган, радио ва эстрадаларимиз репертуаридан ўрин ола бошлаган, думи босилган мушукдек бирилла5, бўгизланган қўйдек хириллайдиган, тарақ-туруқ, тақир-туқир яна аллақандай ҳунук чинқириқлар, товушлардан таркиб топган, нафосатдан узоқ «музика»лар қаттиқ зарбага учради. Булар ҳам яна ўша ёт ғоянинг музика соҳасига суқилиб кирган ёмон таъсири. Бундай ёт музикаларга қарши курашни давом эттириш керак. Чунки чет эл радиоларидан тарқатилиб турадиган бундай музикаларни эшитишни яхши кўрадиган «шинавандача»лар ҳам йўқ эмас.

Бу ерда гап умуман жаз — енгил музика ҳақида бораётгани йўқ. Бизга музиканинг ҳамма тури — опера, симфоник музикадан тортиб жаз, ўйноқи, қувноқ енгил музикаларга қадар, марш, арагония, революцион қўшиқлардан тортиб майин, ёқимли лирик ашулаларга қадар керак. Аммо музика ҳаётни, инсонни ва унинг фазилатларини улуғлайдиган, одамларни меҳнатга, ижодга, курашга, қаҳрамонликка, мардликка ундайдиган, кишиларда ватанпарварлик, дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик, садоқат, муҳаббат, вафо, шодлик туйғуларини уйғотадиган, келажакка ишонч туғдирадиган бўлиши лозим. Ўз гўзаллиги, фазилати ва балоғати билан жаҳонни қойил қолдирган совет музикаси ана шундай музика.

Музика ҳақида сўз борганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жамоатчиликнинг норозилиги ва ғанқидларига қарамай ҳали ҳам баъзан-баъзан радиодан, телевизордан, саҳналардан ғоявий тутруқсиз, бадиий паст ашулалар ижро этилиб турилади. Баъзи бир саёз шеърларга ёзилган бачкана музикалар; «...ёнингга бормайман...», «...идорангиз қайси...», «муҳаббат боғига кирдим чиқарга йўл тополмайман» каби қўшиқлар ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам бермайди. Шубҳасиз. классик поэзиядан, халқ ижодидан тўла фойдаланишимиз лозим. Аммо танлаб, танқидий назар билан қараб замон талабига жавоб берадиган қилиб фойдаланишимиз керак. Классик поэзиямизнинг, халқ оғзаки ижодининг дурдоналари четда қолиб кетиб, юксак туйғулар ўрнига эротик ҳислар, бадбинлик уйғотадиган, дидни пасайтирадиган шеърларни ашула қилиб айта берсак, кони зарар! Баъзан қўшиқнинг музикаси яхши бўлса, тексти ёмон бўлади тексти яхши бўлса, музикаси ёмон бўлади.

Шоирларимизнинг қўшиқ жанрига етарли эътибор бермасликларидан — бепарволикларидан фойдаланиб, адабиётдан узоқ айрим одамлар «чаққонлик» қилиб ўз «мол»ларини пуллаб оладилар. Натижада халтурадан иборат текстлар майдонга келади, уларни эса шеъринг паст-баланд ига унча тушунмайдиган айрим ашулачилар, айрим созандалар куйга солиб қўшиқ қилиб айтиб юрадилар.

Тўйма-тўй юриб, санъатни чайқов бозоридаги буюмга ўхшатиб олди-сотдига айлантирган, «отарчилар» деб ном чиқарган баъзи бир машшоқларнинг, яллачиларнинг репертуарида оғизга олиб бўлмайдиган қўшиқлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларга барҳам берадиган вақт аллақачон келиб етган.

Гоҳи-гоҳида нашриётларимиз ғоявий ва бадиий жиҳатдан паст — олди-қочди, айрим вақтларда эса тўғридан- тўғри совет воқелигини бузиб кўрсатадиган асарларни нашр этади, баъзан бундай китобларнинг тиражи жуда катта бўлади. Бунақа бемаъни ишлар, баъзан, нашриётнинг молиявий планини бажариш деган баҳона остида ҳам содир бўлади.

Нашриётларимизнинг айрим ходимлари идеологияни пулга қурбон қилиш мумкин эмаслигини яхшилаб англаб олишлари керак.

Бундай кўнгилсиз ҳоллар, баъзи-баъзида, театрларимизда ҳам учраб қолади. Театрларимиз, айниқса область театрлари, гоҳо-гоҳо ҳали пишиб етмаган, хом-хатала асарларни шошилиб чиқариб юборадилар. Бунга фақат ёзувчилар жамоатчилигини четлаб ўтадиган, ёки берилган маслаҳатларни эътиборга олмайдиган айрим драматурглар, Ёзувчилар союзининг драматургия секцияси, Маданият министрлигининг айрим ходимларигина эмас, театр коллективлари ҳам айбдор. Бу ерда ҳам, кўп вақт, ўша, қандай қилиб бўлмасин, театрнинг молиявий планини бажариш деган важни кўндаланг қилишади. Бу мутлақо нотўғри. Бизга ҳаммадан бурун замонамиз қаҳрамонларини тараннум этадиган, юксак савияли, одамларни янги зафарларга илҳомлантирадиган спектакллар керак! Айрим спектакларимизнинг савия жиҳатидан паст бўлишига баъзи режиссёрларимизнинг ожизлиги ҳам сабабдир. Комедия деб бачканаликни, масхарабозликни тушунадиган режиссёрларимиз, артистларимиз ҳам йўқ эмас. Ўшандай режиссёр ва актёрларимиз яқинда 100 йиллиги ўтказилган ажойиб санъаткор Станиславскийнинг ижодий меросини чуқурроқ ўргансалар яхши бўлар эди. Бу нуқсоннинг яна бир сабаби драматургияга тасодифий одамларнинг аралашиб қолишидир. Биз, шубҳасиз, драматургиямизга, адабиётимизга, санъатимизга янги талантларнинг кириб келишига қарши эмасмиз. Адабиёт, санъат халқники! Винобарин, унинг эшиги ҳаммага очиқ! Истеъдодлари ҳам халқ ўзи етказиб беради, талантлар халқ ичидан етишиб чиқади. Юзлаб, минглаб ҳаваскорлар бунга яққол мисол. Адабиётимизга, санъатимизга келиб кирган. сафимизга қўшилган ҳар бир янги талант бизнинг ютуғимиз. бойлигимиз. Сафимиз қанча кўпайса, шунча хурсанд бўламиз! Майдон ҳам кенг, қиладиган иш ҳам, ёзадиган мавзу ҳам кўп, беҳисоб! Аммо. халқимизнинг бу мурувватидан фойдаланиб, адабиёт ва санъат соҳасига ғаразгўйлик билан, «пул ишлаб олиш», енгил шуҳрат қозониш мақсадида кирадиган, бармоқлари қалам ушлашдан кўра пул санашга кўпроқ ўрганган, шоир Муқимий айтган «ямоқчи», «сувоқчи» ҳожи..., «чўқиб қочар зоғиало»ларга нисбатан эҳтиёт бўлишимиз, уларга йўл бермаслигимиз лозим. Адабиёт ва санъат каби улуғ даргоҳга фақат олий мақсад, яхши ният, пок виждон, тоза юрак, покиза қўл билангина кириш мумкин. Адабиёт ва санъатимизнинг вазифаси муқаддас вазифа: Адабиёт ва санъат халқни. ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялайдиган, онглардан, юраклардан эскилик қолдиқларини ситиб чиқариб, янги коммунистик дунёқараш, янги ахлоқ, янги урф-одатни пропаганда қиладиган ўткир қурол. Бу соҳада хизмат қилмоқчи бўлганларнинг сўзи билан иши бир бўлиши керак. Бу ишда иккиюзламалик, мунофиқлик ва муросасозлик кетмайди. Халқ орасида янги ахлоқни ёймоқчи бўлганларнинг ўзи ахлоқ жиҳатидан мустаҳкам бўлиши, ҳам асари, ҳам иши, ҳам юриш-туриши, ҳам илму одоби, ҳам хулқу атвори билан бошқаларга намуна бўлиши лозим. Ғоят таассуфки, биз баъзан-баъзан, бу ақидани бузамиз. Менга фақат асаримга, санъатимга қарабгина баҳо бер, мен кўчада нима қиламан — бу менинг ишим дейдиган ўртоқлар хато қилади. Модомики, биз жамиятда яшар эканмиз, бир соҳада турар эканмиз бир биримизга кўз-қулоқ бўлиб туришимиз, бир-биримизга меҳрибон бўлишимиз, бир-биримизни қаерда, қай вазиятда бўлмасин, хатолардан, беҳуда гап-сўзга сабаб бўладиган ножўя ҳатти-ҳаракатлардан эҳтиёт қилишимиз, асрашимиз лозим. Халқ адабиётчиларни, санъаткорларимизни, бошқа соҳаларнинг кишилари қаторида жуда қаттиқ ҳурмат қилади ва севади. Биз доим халқимизнинг шу улуғ ҳурматига ва севгисига сазовор бўлишга интилишимиз, бирор ножўя ҳаракат билан шаънимизга доғ туширмаслигимиз керак. Шу жиҳатдан, баъзи бир, ёш фалон ерга бориб қолган ўртоқларимизнинг ҳалига қадар «қўйилмаслиги» бизга малол келади. Баъзи бир, ҳаддан ташқари талтайиб кетган ёшларимиз ҳам бизни ранжитади.

Ашулачи-хофизларимиз орасида саҳнадан, радиодан янги замон муҳаббати ҳақида ашула айтиб, нарёққа бориб ,санъатни пулга сотадиганлари ҳам бор. Қўли эгрилигидан назардан тушиб қолган бир шоввоз ўғрилар ҳақида китоб ёзиб шуҳрат қозонмоқчи бўлибди, бу китобни эса нашриётимиз кўп нусхада икки қўллаб босиб чиқарибди.

Жамоатчиликдан ажралиб, лўтибозлар билан ошна бўлиб олган бир фельетончи ўзи қўш участка солишда ва одамларга туҳмат қилишда айбланиб партиядан ўчиб, ишдан ҳайдалибди. Аллақачон «қўйилиши» лозим бўлган бир ёзувчи, янги ахлоқ ҳақида шеърлар ёзиб юриб, ўзи яна ичиб, кимлар биландир жанжал қилиб, муштлашиб, безориликда айбланиб, милицияга тушибди. Бир шалоқ ўқитувчининг расволиги ҳақида шоир Ғафур Ғуломнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Халқ ҳукмига ҳавола» фельетони эсингиздадир.

Андижон медицина институтининг ўқитувчиси институтга кирадиган ўқувчилардан пора олиб, қўлга тушиб, қамалибди.., Буларга ўхшаган мисолларни яна топиш мумкин. Аммо гап шундоғ эмас, гап бу ва буларга ўхшаган кўнгилсиз, жирканч воқеаларнинг содир бўлишида. Бундай ҳодисаларга узил-кесил барҳам бериш зарур!

Баъзи зиёлиларнинг бесабаб хотин олиб, хотин қўйишлари, хотинбозликлари, мунофиқ «ошиқ»лар, донжуанларнинг кирдикорлари, жирканч саргузаштлари, соф дил аёлларнинг бошини айлантиришлари, уларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлишлари ҳақидаги хабарлар ҳам, гоҳи- гоҳида қулоққа чалиниб туради. Бундай одамларга нисбатан халқ гуф, бетинг қурсин, дейди!

Ахлоқ масаласини доираси жуда кенг. Бизнинг давримизда, хусусий мулкка муккасидан кетишлик, хасадгўйлик, ичиқоралик, бошқаларнинг муваффақиятинч кўра билмаслик, фақат ўзим бўлай дейишлик, лаганбардорлик, ғийбат... ҳаммаси, ҳаммаси ҳам ахлоқсизлик. Бундай ҳодисалар бизнинг орамизда юз бермайди, деб айта оласизми? Йўқ!

Бир шоир бошқа шоирнинг шеърини «билмасдан» ўзиники қилиб олибди. Бир нашриётнинг ходими, ўз мансабидан фойдаланиб, «билмасдан» ўзига кўпроқ қалам ҳақи ёздириб олибди, бу ҳам ахлоқ масаласи.

Зиёлиларимиз орасида эски урф одатларга, диний ақидаларга нисбатан муросасозлик қиладиган, баъзан ён босадиганлар ҳам йўқ эмас. Ундай одамлар диний маросимларга, «суннат» тўйларига бориб актив қатнашишни, уларга «маданий», «илмий» асослар беришни, тепасида турибо «отахонлик» қилишни яхши кўрадилар. Бундай одамлар рўза кунлари хуфия ифторликка боришдан, ЗАГСга бориб янгича никоҳ, ҳам домла чақириб эскича никоҳ ўқишларни яширишдан ҳам тоймайдилар. Бундай одамлар зиёли эмас, зиёнли одамлар!

Баъзан орамизда «кўзга кўринмас»лар, «невидимка»лар пайдо бўлиб қолади. Улар бирор ёзувчи, ёки санъаткорнинг ёнига келиб «илон тил» бўлиб, шивирлаб фалон ёзувчи, фалон санъаткор сизнинг ҳақингизда ундай деди, бундай деди деб ғийбат қилади. Бериги ёзувчи ё санъаткор ҳақиқатни суриштирмасдан «кўзга кўринмас»нинг гапларига лаққа тушади-ю, жаҳл устида «рақиб»ига нисбатан бир қанча ножўя гапларни айтиб юборади. «Кўзга кўринмас»га шу керак эди! У, дарҳол, эшитган гапларини оқизмай-томизмай, ҳатто ошириб, қўшиб кўпиртириб нариги ёзувчи, ё санъаткорга етказади. «Кўзга кўринмас»нинг гапини эшитиб у ҳам ёнади, албатта! Қарайсизки, ҳеч гапдан ҳеч ғап йўқ, икки ёзувчи ё икки санъаткор бир-бирига чап. бир-бири билан қирпичоқ бўлиб қолишади. Йўқ, биз бунақа «кўзга кўринмас»ларнинг ивосига учмаслигимиз, жиловимизни ивогарнинг қўлига ушлатиб қўймаслигимиз, «кўзга кўринмас»ни дарҳол ерққа олиб чиқишимиз, шармандаю шармисор қилишимиз лозим! Чунки ундай одамлар орани бузади. Ижодий шароитга, ҳамкорликка раҳна солади. Ҳолбуки партиямиз бизни иттифоқ бўлишга, ҳамжиҳат бўлишга, бир-биримизга дўст ва ҳамкор бўлишга, бебурд тарафкашликка мутлақо йўл қўймасликка чақиради.

Баъзан бирор адабий асарга баҳо берганда, асарга қараб эмас, балки ёзувчига қараб баҳо бериш ҳоллари ҳам учрайди. Бир ёзувчига, фалон ёзувчи янги асар ёзибди десангиз, ўқимасдан-кўрмасдан туриб ёмон, дейди ё аксини айтади. Бундай одам учун ўзига ёқмаган ёзувчи нима ёзса ҳам ёмон, ўзига яқин, ўзига ёққан ёзувчи нима ёзса ҳам яхши. Натижада асарга ошна-оғайнигарчилик нуқтаи назаридан, ғаразгўйлик билан баҳо бериш, яхши асарни ёмон, ёмон асарни яхши дейиш ҳоллари рўй беради. Биз ҳар бир асарга ҳам ўша асарнинг фазилатлари, нуқсонларидан келиб чиқиб, объектив баҳо бера билишимиз керак. Яхши асарни гап — мақола билан ёмон қилиб бўлмаганидек, ёмон асарни ҳам огиз кўпиртириб мақташ билан яхши асар қилиб бўлмайди. Бу билан фақат ўқувчининг бошини айлантирамиз, фикрини чалкаштирамиз ва ёзувчига нисбатан дўсти-нодонинг ишини қилиб қўямиз. Бир донишманд: ҳар ким ўз баҳосида қолади деган экан. Шунга ўхшаш, ҳар бир ёзувчи, ҳар бир асар ҳам ўз баҳосида, ўз ўрнида қолади, уни ноҳақ ошириш ҳам, камситиш ҳам мумкин эмас.

Орамизда адабий ҳаракатчилигимизга доир муҳим ғаплар, тортишувлар, жанглар кетаётган бир пайтда, ўзини секин сояга олдиган, сен ҳам ғидама, мен ҳам ғидамай, сен ҳам менга тегма, мен ҳам сенга тегмай дейдиган баъзи бир «туяқушлар» ҳам топилади. Улар, ке, менга нима, менга тегишмаса бўлгани, менга деса қирпичоқ бўлишсин, мен аралашмайман, деб ўйлайдилар. Бунақа қуёнюрак, бебурд одамлар ўзига жабр қилади. Жамоатчилик улардан ҳисоб сўрайди, шундай муҳим ғаплар кетаётганда сен қаёқда эдинг, кани, ўртага туш, чека-чекаларда биқсиб юрмай, гапинг бўлса ҳамманинг олдида очиқ гапир, дейди.

Баъзи одамлар ёшларни кексаларга қарши қўймоқчи бўлади. Улар кексаларга қараб, ашулаларинг ado бўлган, ишларинг тугаган, қани йўл бўшатинглар, чекага чиқинглар, биз ёшлар келаётибмиз, деб айтинглар деб, ёшларни кексаларга қарши гиж-гижламоқчи бўладилар. Бу дўстнинг иши эмас! Бизнинг асл ёшларимиз бунақа иволарга учмайди. Бизда кекса авлод билан ёш авлод ўртасида қарама-қаршилик, антагонизм туғдирадиган сабаблар йўқ. Ёшлар кексаларнинг кўз қорачиқлари, шогирдлари, уларнинг қўлидан адабиёт, санъат, маданият эстафетасини олиб тараққиётимизга давом эттирадиганлар, илгари кетадиганлардир. Халқимиз ёш авлодни қанча севса, кекса авлодни ҳам, ветеранларни ҳам шунча севади, ҳурмат қилади.

Мен бу мақолада ютуқларимизга эмас, кўпроқ нуқсонларга тўхталдим. Ютуқларимиз беҳисоб, ҳеч ёққа кетмайди. Аммо нуқсонларимизни йўқотишимиз керак.

Биз бир ёқадан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб, бирлашиб турибмиз, совет зиёлиси, совет олими, совет ёзувчиси, совет санъаткори деган юксак шарафли унвонга доғ тушадиган ҳар қандай нуқсонларга, хатоларга қарши ўт очишимиз, уларни таг-томири билан қўпориб ташлашимиз, қуролимизни доим зангдан пок, тоза, ўткир ҳолда сақлашимиз лозим. Бу халқимизнинг, партиямизнинг замонамизнинг талаби!

Қизил Ўзбекистонда босилганлар кейини

«ФИРИБГАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ»

Хоразм область матлубот союзига қарашли савдо шохобчаларига суқилиб кириб олган айрим муттаҳамлар хар хил йўллар билан давлатнинг минг-минглаб сўмлаб пулини кўкка совураётгани шу сарлавҳа остида босилган танқидий материалда очиб ташланган эди.

Хоразм область матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ А. Ёқубовдан қуйидаги жавоб хати олинди.

Газета танқиди бўйича савдо шохобчаларида «Ўзбекбирлашув» ва область матлубот союзи ревизорларининг кучи билан текшириш ўтказилди. Текшириш якуни область матлубот союзи правлениесининг шу йил 14 январь куни барча кооператив ташкилотлар раислари, савдо мудирлари, бухгалтерлар, инструкторлар, экономистлар, хўжалик раҳбарлари ва область матлубот союзи бўлим бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари мақолада келтирилган фактларни тўғри деб топдилар.

Ҳақиқатан ҳам, областимиз матлубот кооперацияси системасида кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишда партиявий принципни қўпол равишда бузиш, шунингдек растратага йўл қўйиш, кооператив мулкига қўл чўзиш ҳоллари рўй берган. Савдо тармоқларида растрата ва ўғирликларга қарши етарли кураш олиб борилмаган. Шунинг учун ҳам фақат 1962 йили 32 та жойда растрата қилиш фактлари бўлган.

Катта ўғирликларга йўл қўйилган Ҳазорасп район матлубот союзи тарқатиб юборилди. Раҳбарлари эса ишдан четлаштирилди.

Урганч савдо базасининг омбор мудири А. Аҳмедов, хом моллар базасининг омбор мудири И. С. Кандаков, Ҳазорасп райпосига қарашли магазин мудири Пир Шерметов, Урганч райпосига қарашли магазин мудири Р. Ҳусанновлар тергов органлари томонидан қамоққа олинди.

Моддий жавобгар нишилар устидан яхши назорат ўрнатмай, растрата қилишга йўл қўйгани учун Урганч хом моллар базаси директори Ражабовга қаттиқ виговор берилди ва огоҳлантирилди. Шу базанинг бош бухгалтери Н. Хлебалина вазифасидан четлаштирилди.

Молларга ортиқча баҳо қўйиб сотган Янгиариқ райпосига қарашли магазин мудирлари Р. Дўсов ва В. Бенчановларнинг иши тергов органига топширилди. Шу районнинг савдо мудири Сапоев эса ишдан олинди.

Ҳамма кооперация ташкилотларида кадрлар ва уларни тайинлаш ҳужжатлари текширишдан ўтказилди. Моддий жавобгар ходимлар эса қайта аттестация қилинди.

Область матлубот союзи кооператив мулкини сақлаш ишларини яхшилашга, моддий жавобгар нишилар устидан назоратни кучайтиришга, энди бундай хунук ҳоллар нинг бўлмаслигига қаратилган қатор тадбирларни ишлаб чиқди.

1963 йилда Ҳосилга пухта замин яратайлик!

Андижон районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари бу йил далага 13 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқаришга аҳд қилганлар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. СУРАТДА: фермадаги ўғит махсус механизмлар ёрдамида тележкаларга ортилмоқда.

С. Безносов фотоси.

ЎҒИТХОНА

ЖИЗЗАХ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги Навоий номли колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармаган эди. Колхозчилар бу доғни ювиш учун етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 4 минг 60 тонна «оқ олтин» етказиб беришга отландилар.

Шу кунларда колхозда кўкламга тайёргарлик ишлари қизғин бораётир. Айниқса гўнгдан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. 10 арава, иккита автомашина қўралар, молхоналар ва хонадонлардаги маҳаллий ўғитни далага ташиб чиқаришга сафарбар этилган. Жамғарилган гўнг бригадалардаги махсус чуқурларда чиритилмоқда. Уч жойда гўнг тўпланмоқда. Бу ерни колхозчилар «ўғитхона» деб аташади. Бундан ташқари ҳар бир участкада узунлиги 50 метр, чуқурлиги икки метрдан иборат алоҳида гўнгхоналар қазилди.

Колхоз правленнеси тўпланган гўнгларни ҳар куни ва беш кунда алоҳида ҳисоб-китоб қилиб турибди.

ЕТТИ ЦЕНТНЕР КЎПАЯДИ

ТАХТАКЎПИР, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). «Тахтакўпир» совхози коллективи кўклам экишига катта тайёргарлик кўрмоқда. Ремонтчилар 35 «ДТ-54», 78 «ДТ-24» ва «ДТ-28» тракторлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини 1 мартгача ремонтдан гўла чиқариш учун курашмоқдалар.

Совхоз ишчилари бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 7 центнер ошириб, давлатга камида 6 минг 900 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Далага маҳаллий ўғит чиқаришда 7 автомашина, 21 тележка, 38 арава ишлатилмоқда. Бу иш, айниқса, 1, 3, 6-бўлимларда яхши уюштирилган.

СИЁСИЙ МАОРИФ ШОХОБЧАЛАРИДА

Нукус шаҳар саноат корхоналари ва муассасалар партия ташкилотлари ҳузурида 137 сиёсий мактаб ва тўгарак, 90 дан ошиқ семинар ташкил этилган. Уларда 3 мингга яқин киши шуғулланмоқда. Сиёсий мактаб ва тўгаракдаги тингловчилар орасида ишлаб чиқариш илғорлари ва коммунистик меҳнат зарбдорлари кўпчиликни ташкил этади.

Тингловчилар машғулотларга мунтазам қатнашмоқдалар. Мебель фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Худойберган Абдуллаев, марказий ремонт-экскаватор устахонасининг ишчиси Узоқбой Бекназаров, дурадгор Жанғирбой Ўтемуратов ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

И. МАДГАЗИН.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали — «Ўзбекистон коммунисти»нинг январь сони «Правда» газетасининг 7 январь сонидан олиб босилган «Тинчлик ва социализм тантанаси йўлида коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлайлик» сарлавҳали мақола билан очилади.

Журналда «Етти йилликнинг бешинчи йилида янги марралар сари» сарлавҳали бош мақола, Г. Жданов, В. Наземновнинг «Партия органларини ишлаб чиқариш принципи асосида тузиш», Х. Азимовнинг «Қардош республикаларнинг биргалидаги куч-ғайрати билан», Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитетининг раиси Х. Калоновнинг «Халқ хўжалигига — малакали ишчи ва механизатор кадрлар» деган мақолалари ва бошқа материаллар берилган.

«Журналхонларнинг саволларига жавоб» рубрикаси остида М. Ваҳобов, А. Водолазскийнинг «КПСС тарихини пропаганда қилишда шахсга сиғинишни бартараф қилишнинг баъзи масалалари» сарлавҳали мақоласи босилган.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Охунбобоев номли колхозда ўтган хўжалик йили самарали якунланди: 2230 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинди.

Колхозда 1963 йил кўкламига ҳам зўр тайёргарлик кўрилмоқда. Халқимизнинг ер тўйса, эл тўяди деган ҳикматли мақолига амал қилиб, далага гўнг чиқариш қизитиб юборилди. Ҳозир 625 колхозчи 14 автомашина, 15 прицеп, 35 от-арава билан далага гўнг ташиб чиқармоқда.

Ўтган йили 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 46 центнердан ҳосил кўтарган механизатор ўртоқ Қозоқ Мавлонов бошлиқ бригадада 1250 тонна гўнг тўпланди, бу гектарига 14 тоннадан тўғри келади. Бригада аъзолари гектар бошига 20 тоннадан гўнг жамғариш учун курашмоқдалар. 2 машина, 3 арава, 33 колхозчи далага маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқда. Колхознинг коммунист Солай Маткаримов, Очил Қурбонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида кўклам экиш кампаниясига, айниқса, қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Шофер Оллаберган Раҳимов, Отабой Ўринов ва механизаторлардан Парда Саъдуллаев, Эгамберди Жуманиёзов ўртоқлар сайлов олди мусобақасига қўшилиб, далага гўнг ташиб чиқаришда бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Колхозда техникани ремонт қилиш ишлари ҳам намунали ташкил этилган. 22 та «ДТ-54» тракторидан 16 таси, 35 чопиқ тракторидан 17 таси, 16 плугнинг ҳаммаси ремонт қилиниб, техника кўригидан ўтказилди. Кўкламда ишлатиладиган бошқа асбоб-ускуналар ҳам тез суръатлар билан ремонт қилинмоқда. Колхозда 500 гектар ер яхлитлаштирилди.

Ж. ОЛЛАБЕРГАНОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ЯНГИ РЕЖАЛАРИМИЗ

Хўжалигимиз кўп тармоқли. Ўтган йили деҳқончилик қилинадиган 629 гектар майдоннинг 400 гектарига сабзавот экилди. Экилдиги эрта муддатларда экиш, уни парвариш қилишда агротехника фани юғуқлари, илғор тажрибаларга кенг амал қилинди, техникадан самарали фойдаланилди. Маҳаллий ва минерал ўғит ер шароитига қараб солинди. Сув тежаб-тергаб сарф қилинди. Бу тадбирлар сабзавот экиладиган ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш имкониятини берди. Ҳар гектар майдондан 180 центнердан, жаъми 7230 тонна сабзавот маҳсулотлари йиғиб олинди.

Етти йилликнинг бешинчи йилида сабзавотчиларимиз янги марраларни белгиламоқдалар. Колхоз бўйича 8 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш планлаштирилди. Бунинг учун қишки тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказилмоқда. Ҳамма экин майдони минерал ўғит солиниб чуқур шудгор қилинди. Ҳозиргача дала ва парник хўжалигига 5200 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Парник хўжалигида эртаги сабзавот кўчати етиштириш қизғин бораётир. Ҳозирнинг ўзида парникда 20 гектар майдонга етадиган карам уруғи сепилиб, тўла ундириб олинди. Помидор, бақлажон уруғи сепиш уюшқоқлик билан бормоқда.

Колхозимиз аъзолари мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ф. НЕЪМАТЖОНОВ.
Андижон районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

ЧЎЧҚА—ГЎШТ ХАЗИНАСИ

Учқўрғон районида бултур гўшт, хусусан чўчқа гўштини кўп етиштиришда яхши кўрсаткичларга эришилди. Давлатга плондан ташқари 25 тонна гўшт сотилди. Чўчқаларни бўрдоқига боқадиган район базасида йил бошида бор-йўғи 30 та урғочи чўчқа бор эди. Йил охирига келиб, чўчқалар 1198 га етди. Ҳар бир урғочи чўчқадан 40 тадан чўчқа боласи олинди. Боқувга қўйилган чўчқаларнинг ўртача тирик вазни 95-100 килограмм келади.

Чўчқа — гўшт хазинаси деганлари шу-да!

Ҳ. ТУРСУНОВ, С. ИСОҚОВ.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

АРИҚ-ЗОВУРЛАР ТОЗА БЎЛСИН

ШАҲРИСАБЗ районидаги «Қизил юлдуз» колхозида сўнгги уч йил ичида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 12 центнер камайиб кетди. Колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини фақат 86,5 процент бажарди. Бунга кузги-қишки тадбирларнинг пухта ўтказилмаганлиги кўп жиҳатдан сабаб бўлди. Суғориш шахобчалари қишда яхши тозалаб қўйилмагани учун баҳорда ва айниқса ёзда сув ариқлардан равон оқмади. Лойқа ва ўт босиб кетган ариқларда анча сув исроф бўлди. Натижада катта-катта майдонларда экинлар сувсизликдан қуриб қолди.

Колхозда бу йил ҳам аҳвол яхши эмас. Бошқа ишлар сингари суғориш шахобчаларини тозалаш ҳам орқага сурилмоқда. Колхознинг Дукчи, Чорбоғ, Калинин участкаларидаги ариқларни бир ярим метр лойқа босиб ётганлигига қарамай, уни тозалаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаётир. Ҳолбуки, ўтган йили ана шу жойлардаги ариқларда сув кўпроқ исроф бўлган эди.

Бундай фактларни Сурхондарё областининг бошқа колхоз ва совхозларида ҳам учратиш мумкин. Умуман бу областда суғориш шахобчаларини тозалаш жуда кечиктириб юборилмоқда. Сурхондарёда ички суғориш тармоқларида сал кам икки миллион кубометр тупроқ ишларини бажариш планлаштирилган бўлса, шундан энди 220,5 минг кубометр ҳажмида тупроқ қазиб чиқарилди. Бу соҳада Қорақалпоғистон АССРда анча кўп иш қилинди. Бу ерда шу кунгача 4211,6 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарилиб, ички суғориш шохобчаларини тозалаш плани 66,0 процент бажарилди. Хоразм областида ариқ-зовурларни тозалаш юзасидан бўлган топшириқ 60,5 процент адо этилди. Аммо Андижон, Тошкент ва Самарқанд областларида суғориш тармоқларини қазиш ва кенгайтириш ҳаддан ташқари суст бормоқда. Андижон областида ариқ-зовурлардан 46,5 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарилди. Бу — планнинг 1,9 процентини ташкил этади, холос.

Сув экиннинг, айниқса, ғўзанинг қонидир. Ғўзани суғормасдан туриб пахтадан мўл ҳосил олишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Суғориш шахобчаларини сув равон оқадиган қилиб қиш фаслида тозалаб қўйиш ғўзанинг сувга бўлган талабини вақтида қондиришда катта аҳамиятга эгадир. Бундай ариқларда сув ортиқча исроф бўлмайди, кўп бўғлаб майдон. Сув танқис бўлган кезларда ҳам экинларни қондириб суғориш имкониятини туғилади. Илғор колхоз ва совхозларнинг ўтган йилги иш тажрибаси буни яна бир марта исботлади.

Республикамизда экин майдонларининг анча қисми захкашдир. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун бу майдонлардаги ер ости сувларини қочириш талаб этилади. Зовурлар яхшилаб тозаланган тақдирдагина бунга эришиб бўлади. Кўзи очилган зовурлар сизот сувларни яхши тортади. Бундай жойларда қиш ва баҳор фаслларида ёғингарчилик ҳар қанча кўп бўлса ҳам, сизот сувлар ер бетига кўтарилмайди, нам яхши сақланади, чигитни энг қулай агротехника муддатларида экиб ва қийғос ундириб олиш учун шароит яратилади. Ер ости сувлари зовурларга тўла оқизиб юборилмаган захкаш участкаларда экинларнинг ривожланишига имкон бўлмайди. Натижада ҳосил камайиб кетади. Бунга йўл қўймаслик учун зовурларни шу кунларда албатта тозалаб қўйиш, бу ишда техникадан самарали фойдаланиш лозим. Сизот сувларнинг мумкин қадар камайишига эришиш мақсадида зовурларни чуқурлаштириш билан бирга, талаб қилинган жойларда уларни кенгайтириш ҳам керак.

Бошқа ҳамма ишлар каби ариқ-зовурларни тозалаш ишларининг муваффақиятини ҳам кишилар ҳал қилади. Шунга кўра колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу ишга ажратилган колхозчилар ҳамда совхозларнинг ишчиларига ғамхўрликни кучайтиришлари, уларга иш жойида иссиқ овқат қилдириб беришлари, кийимлар ва бошқа керакли нарсалар билан етарли таъминлашлари зарур. Хўжаликларнинг агрономлари ишнинг сифати устидан назоратни кун сайин кучайтиришлари, ариқ-зовурларнинг, умуман суғориш шохобчаларининг талабга мувофиқ тозаланишини таъминлашлари лозим. Ишлаб чиқариш бошқармаларининг вазифалари — ўзлари хизмат қиладиган хўжаликларда сув йўлларининг равон бўлишига эришишдан иборатдир.

ЕР ЯСАНМОҚДА

Саҳар бошланган бўрон ҳамон йўлида нимани учраса, осмонга учирар, қатор вагончаларга зарб билан урилиб, ичкари киришга йўл қидирар, вагончаларни тўлқинда қолган кемадай тебратарди-да, ҳуштак чалиб, яна узоқларга шошарди... Тўзон кўтарилиб, атрофни қаронғулик босди. Лекин ҳужум давом этарди. Қудратли тракторлар чўл бағрини тилка-пора қиларди.

Шамол оч бўридай увлаб-увлаб чарчади шекилли, тунга бориб тинди. Вақт алламаҳал бўлса ҳам, ёлғиз палаткада милтиллаб турган чироқ шуъласи узоқлардан кўринарди. Александр Иванович палаткадан чиқди. Мусафо ҳаводан кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, атрофга боқди. Жимжит. Ҳамма ширин уйқуда. Фақат, рўпарадаги тепаликнинг орқасида тракторларнинг гувиллаши эшитиларди. Шу пайт яқинлашаётган шарпани сезди.

— Салом, Александр Иванович, дам олмадингизми?

— Федямисан?

Александр Иванович келган киши билан саломлашар экан деди:

— Ўзинг нега ухламай юрибсан?

— Йигитлар ёнида эдим. Шу ёқдан келяпман

— Ҳаммаси ишлаяптими?

— Ҳа, ҳаммаси, йигитларнинг руҳи тетик!

— Биз билан тунай қол, инженер шаҳарга кетган.

Механик Федор Малин дўстларини безовта қилгиси келмадими, ҳар қалай, таклифга эътироз билдирмади. Улар ичкари киришганда, ўрта бўйли, қотма, ёши 50 га бориб қолган киши ўртадаги кичик стол устидан қоғозларни йиғиштираётган эди.

— Кел, Федор,—деди у,— қалай қийналмадиларингми?

— Шерларга бўрон нима, Зокир Санақулович, — деди Федор Малин, — из кўмилиб қолса ҳам, тўхтатишмади, азаматлар! Акаукалар ҳам қолишмайди, — деди Федор устидаги комбинезонини ечаркан.

— Мард бўлмаса, чўлга келишармиди,—деди Зокир Санақулович, — эҳе, соат уч бўлибди-ю, дам олайлик.

Палаткадаги чироқ ҳам сўнди. Атрофга сукунат чўкди. Аммо тун пардасини ёриб, поёнсиз дашт кўксига ғулув солаётган тракторларнинг овози ҳамон тинмасди.

Партия XXII съезди давом этаётган кунлар эди. Ака-ука Давлат. Бегмат Ҳолматовлар, Жўрақул Тошпўлатов, Баҳром Исломов, механик Федор Малин, зоминлик Саттор Қаршибоев, галла-ороллик Иван Режов, Сувон Нормуродов, форишлик Исақул Омоновлар Жиззах районидаги Тостепада янги қад кўтараётган «Пахтакор» совхозига келишди. Сал вақт ўтар-ўтмас ботирлар сафига бахмаллик Бўлтак Мўминов, жиззахлик Рустам Аҳманов, галла-ороллик Нормурод Мусиров, форишлик Ашур Қаршибоев сингари мардлар ҳам қўшилди.

Саҳрода ҳаёт қайнади. Бир томонда баҳайбат экскаваторлар хартумини чўзиб канал қазир, паҳлавон бульдозерлар наъра тортарди. Бинокорлар ҳам ишга тушиб кетди.

Шу йили 2500 гектар ер саҳро панжасидан тортиб олинди. Суғориш шохобчалари тартибга келтирилди. Ўша йилнинг кузагида 75 гектар ерга ток, мева кўчатлари ўтказилди. Кузда чуқур ҳайдалган ер эрта кўклам ипакдай эшилиб, майин тупроқ берди. Қисқа муддатда экилган чигит бе-ғубор униб чиқди Дашт яшил либоса бурканди. Сирнинг ҳаётбахш суви Жанубий Мирзачўл каналидан бу ерга ҳам етиб келди. Пахтакорларнинг мардонавор меҳнати ниҳолларда, пайкалларда намоён бўлиб, мўлжалдагидан ҳам зиёд ҳосил тўпланди.

Ингим-теримнинг айни палласи. Никита Сергеевич Хрушчевнинг совхозга келиши пахтакорларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Улар Самарқанд областида биринчи бўлиб рапорт беришди. «Пахтакор» совхози юрт хазинасига 1945 тонна ўрнига 2640 тонна «оқ олтин» топшириб, мажбуриятни ҳам ошириб бажарди. Бунинг 35 процента Қўчқор Тогаев, Асрорали Аҳмедов, Эргаш Мўминов, Михаил Федоров каби моҳир капитанлар бошқарган «зангори кема»лар бункеридан хирмонга тўкилди. Ҳосилнинг ҳаммаси қоп-қанорсиз ташилди.

Иван Режов, Сувон Нормуродов, Бўлтак Мўминов, Саттор Қаршибоев, Исақул Омонов, Рустам Аҳманов, Нормурод Мусировлар бошлиқ бригадалар пахтакорларининг хирмондаги улуши баракали бўлди. Бу бригадаларнинг планлари 150-165 процентдан ошиб кетди. Тўнгич ҳосилдан келган даромад сарфланган харажатга нисбатан икки баравар кўп бўлди.

* * *

Яқинда яна совхозга бордим. 1961 йил кузагида бир неча вагонлар-у, ёлғиз палатка бўлган бу жойда шаҳарча бунёдга келган. Равон асфальт йўллар ниқарилган. Бир-биридан гўзал уй-жой ва маданий-маиший бинолар қад кўтариб, посёлка чиройини очган. Етти йиллик маҳсулотини юклаган қудратли поезд саҳрони ларзага келтириб, манзилига шошмоқда. Улкан каналдан бошланган лотоклар далалар бағрига сингиб кетган. Посёлкада ҳаёт қайноқ, меҳнат жўшқин.

Совхознинг келажаги янада порлоқ. Бу йил пахта майдонини 3800 гектарга, ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказишга аҳду паймон қилишган. Янги боғ-бўстонлар, мевазорлар, қовун-тарвуз пайкаллари ҳам қулоч ёяди. Ҳозир 4500 гектар ернинг 3000 гектаридан ортиқроғи сифатли шудгор қилиб қўйилди. Ер кучга киряпти. Инсон қўли уни безайверади.

Хўжамқул ИСРОИЛОВ.



Венгрия Халқ Республикаси. Боршодаги химия ўғитлар заводида Руминиядан олинадиган табиий газ асосида ишлайдиган тажриба установкаси ишга туширилди. Бунга қадар корхонада қимматбаҳо генератор газидан фойдаланилар эди. Янги хом ашёдан фойдаланиш эса кўпгина маҳсулотларни тежаш имкониятини берди. Суратда: инженер Шандор Овари янги установкани кўздан кечирмоқда.

МТИ—ТАСС фотоси.

ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

ХИТОЙ—ГАНА АҲБОРОТИ

ПЕКИН, 23 январь. (ТАСС). Африка-Осиё бирдамлиги ва бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб, Хитой билан Ҳиндистон сира кечиктирмай бевосита музокара бошлаб юборишлари ҳамда Хитой—Ҳиндистон чегараси ҳақидаги масалани тинч ҳал этишлари керак, дейилади юстиция министри Офори Атта бошлиқ Гана ҳукумат делегациясининг дўстлик визити билан Хитой Халқ Республикасида бўлгандиги туфайли бугун Пекинда эълон қилинган Хитой—Гана қўшма аҳборотида.

Аҳборотда кўрсатиб ўтилдики, Коломбодаги кенгашда 6 мамлакат ишлаб чиққан таклифлар бунинг учун «дастлабки негиз» тайёрлаб берди. Ҳар иккала томон, дейилади аҳборотда, ҳамма мамлакатлардаги халқларнинг империализмга, мустамлакачиликка ва янги мустамлакачиликка қарши, миллий мустақилликка эришиш ва уни ҳимоя қилиш учун олиб бораётган адолатли курашида уларни қатъиян қувватлаётганликларини яна бир марта маълум қиладилар.

АҚШНИНГ ТАЗЙИҚИ ОСТИДА

ТОКИО, 22 январь. (ТАСС). Япония ҳукумати социалистик лагерь мамлакатларига баъзи бир товарларни экспорт қилиш устидан қаттиқ контроль ўрнатиш чораларини кўрмоқда. Нефть қувури учун мўлжалланган катта диаметрли қувурлар кетидан кемалар, махсус пўлат хиллари, сунъий тола ҳам ҳукумат ўз контроли остига олган товарлар рўйхатига киритилди.

«Асахи» газетасининг хабар беришича, савдо ва саноат министрлиги ҳамда молия министрлиги социалистик мамлакатларнинг заказларини бажараётган кемасозлик компанияларидан тузилган шартномаларнинг шартларини қайта қараб чиқишни талаб қилганлар. Ҳукуматнинг фикрига қараганда, бу шартлар «ҳаддан ташқари муросасозлик» билан қабул қилинган эмиш. «Хитати Дзосэн», «Мицуи Дзосэн», «Мицубиси Дзосэн» деган ва бошқа жуда йирик кемасозлик компаниядарига Совет Иттифоқининг савдо ташкилотлари билан бундан буён олиб бориладиган музокараларда «қаттиқроқ шартлар» қўйиш таклиф қилинади.

Газета Япония савдо-саноат палаталарининг фикрига асосланиб, таъкидлайдики, ҳукуматнинг бундай талаби буюртмачини номақбул шартлар қаршисида танг қолдириш ва бу билан социалистик лагерь мамлакатларига кемалар сотишга «тўғоноқ солиб қўйиш» мақсадини кўзлайди. Савдо-саноат палаталарининг намояндалари, деб ёзади «Асахи» газетаси, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан ҳукумат таклиф қилаётган чораларга АҚШ томонидан Японияга кўрсатилаётган тазйиқнинг оқибати, деб баҳо бермоқдалар.

Ҳукумат ана шундай кўрсатмалар берганлиги муносабати билан бу ерда Япониядаги ўн битта кемасозлик компанияси вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари ҳозиргача тузиб қўйилган шартномаларнинг шартларини қараб чиқиш масаласига қўшилмасликларини билдирдилар ҳамда социалистик мамлакатлар олдида олинган мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилмаслик ҳақидаги талаб билан ҳукуматга мурожаат этишга қарор қилдилар.

Шарқий Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқни ривожлантиришга ёрдам берувчи Япония уюшмаси ҳукумат кўраётган чораларга қарши кескин норозилик билдирди. Уюшма нефть қувурлари учун қувур экспорт қилиш устидан, шунинг кетидан эса кемалар ва бошқа товарлар сотиш устидан контроль ўрнатилиши социалистик лагерь мамлакатлари билан савдо-сотиқ ишларига гов солиб қўяди, деб Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш ҳақидаги ниятларидан воз кечишни ҳукуматдан талаб қилди.

А. НИКОЛАЕВ МЕДАНГА КЕТМОҚДА

ЖАКАРТА, 23 январь. (ТАСС). Совет космонавти Андриян Николаев Индонезия билан уч кундан бери танишмоқда.

Бугун космонавт Жакартадан самолётда Шимолий Суматранинг маркази Меданга жўнаб кетди.

АҚШ космосдан ҳарбий мақсадлар учун ҳам фойдаланмоқчи

НЬЮ-ЙОРК, 23 январь. (ТАСС). АҚШ президентининг илмий масалалар билан шуғулланувчи махсус ёрдамчиси Жером Визнер кеча Вашингтонда айтдики, космик парвозлар фақат илм-фанни ўйлабгина эмас, балки эҳтимол тутилган ҳарбий мақсадлар учун ҳам амалга оширилади.

Визнер Қўшма Штатлар ҳозирги асрнинг охирларига боргандагина, Марсга одам учириши мумкин, деб қўшиб қўйди.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● Болгариядаги «Оливия» давлат саноат корхонаси ходимларининг коллективи икки йиллик меҳнат натижасида узум уруғидан ўсимлик мойи олди. Олинган мой жуда тамли. Бу йил корхона мамлакатга биринчи марта юқори сифатли узум уруғи мойининг дастлабки қисмини ишлаб чиқаради.

● Монголия Халқ революцион партияси Марказий комитети ва Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети республикада ёш чорвадорларнинг мактабларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Қарорга биноан, 1963 йилдан бошлаб республиканинг ҳамма аймоқларида мутахассис чорвадорлар тайёрлаш бўйича бир йиллик мактаблар ташкил этилади. Мактабларда ўқиш ишлаб чиқариш билан маҳкам боғланган ҳолда олиб борилади.

● Венгриянинг Сольнок районида Тисса дарёси орқали янги қурилган кўприк ишга туширилди. Кўприкнинг узунлиги 190 метр, қайир ерлардаги қисмини қўшиб ҳисоблаганда эса, 455 метрга етади. Венгрия кўприк қурувчилари бу иншоотни муддатидан 5 ой илгари фойдаланишга топширдилар.

● Токиодан хабар беришларича, шу йил март ойида Икирихама қирғоғида 100 минг тоннагача ҳажмдаги кемалар учун гигант сунъий порт қурилиши бошланади.

(ТАСС).

„НОВОСТИ“ МАТБУОТ АГЕНТЛИГИ ПОЧТАСИДАН

АҚЛЛИ МАШИНАЛАР

Совет олимлари, инженерлари, конструкторлари янги техникани яратар эканлар, ўз моделлари табиатнинг энг мураккаб ва такомиллашган маҳсули — инсонга ўхшаш бўлишига ҳаракат қиладилар. Бироқ, инсон организмининг тузилиши, миянинг фаолияти, нерв системаси ва бошқалар тўла ўрганилмаган. Биз нима учун дарахтни бутадан, уйни йўлдан, қошиқни стулдан аж рата олишимизни аниқ айтиб бера олмаймиз. Организмимизнинг жуда нозик «аппаратлари» буюмларни ажрата билишгагина эмас, бундан мураккаб нарсаларга ҳам қодирдир. Шунинг учун ҳам қарфларни эслаб қоламиз. Сўзлардан гап ясаймиз.

Фан ва техника шундай тез ва кенг кўламда ривожланмоқдаки, одам нўпгина саноат, транспорт ва илмий жараёнларни «қўл билан» мустақил бошқара олмайдиган бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам институтларнинг лабораторияларида, конструкторлик бюроларида ажойиб машиналар яратилмоқда. Бу машиналар саноат ишлаб чиқаришини планлаштиришга «қодирдир». Хатларни ўқий олади ва уни ёзув машиналарига айтиб бера олади, ҳаво ва сув кемаларини бошқаради, метрода поездларни ва темир йўл составларини юргизади. Машиналарга ана шу турли ва мураккаб санъатни ўргатиш осон иш эмас.

Чунончи, институтлардан бирида инсоннинг буюмларни ажрата олиш қобилиятига асосланган оригинал машина яратилди. Бу машина кишиларнинг кичкина қилиб туширилган суратини мушуклар суратидан ажратиб берди. Бошқа бир институтда машинага ўқишни ўргатмоқчи бўлишди. Тажриба ўтказувчилар 0, 1, 2, 3, 4 каби рақамларни 200 мартадан ёзиб, уни конструкция қилинган электрон машинага бердилар. Олимлар ўзлари яратган машина рақамларни ажрата олармикин деб кутиб турар эдилар. Машина имтиҳондан ўтди. У ҳамма рақамларни ажрата олди. Лекин бир неча ўриндагина хато қилди, холос.

Совет электрон ҳисоблаш машиналари, бошқача қилиб айтганда, электрон математиклар катта ва мураккаб вазифаларни ҳал қилмоқда. Ҳар бир машина катта коллективнинг ишини бажара олади. Олий маълумотли тажрибали математик клавишли машинадан фойдаланиб, етти соатлик иш кунида бир ёки икки минг ҳисобни бажаради. СССР Фанлар академиясининг ҳисоблаш марказига ўрнатилган электрон математик бир секунд ичида минглаб операцияни бажаради. Яқинда бу машина диспетчер ролини бажарди.

Бошқа ҳар қандай катта шаҳардаги каби Москвада ҳам кўплаб юк автомобилларини кўриш мумкин. Ҳар бир машина юкни белгиланган жойга олиб бориши, қайтишда ҳам куруқ қайтмаслиги керак. Бундай машиналар жуда кўп. Шунинг учун ҳам диспетчерлар машиналар ҳаракати графигини тузишга қийналадилар.

Электрон машинаси бу ишни осонгина бажарди. Қурилишларга бетонни, новвойхоналарга унни, заводларга чўян ва пўлатни, босмахоналарга қоғозни қайси йўлдан, қаердан ташиб бориш осонроқ, қулайроқ ва арзонроқ, деган саволга электрон машина жавоб берди. Электрон математик тузиб чиққан график асосида уч ой ишлаган 30 га яқин машина 90 минг литр ёнилғини тежаб қолди. Электрон машинанинг бир соатлик иши ҳар бир автомобилда 52 ш соатини тежаб қолиш имконини берди.

Академиянинг электрон машинаси турли мутахассислар томонидан берилган мураккаб масалаларни ҳал қилмоқда. У беш, ўн ёки ўн беш қаватли уй қуриш керакми, қайсиниси фойдалироқ бўлади, қаерда қурган маъқул, деган саволларга бехато жавоб беради. Электрон математик ҳали ясалмаган станокнинг, эндигина лойиҳалаштирилган гидротурбинанинг қувватини ҳисоблаб чиқа олади.

Яқинда бу машина қардош Венгриянинг қоғоз саноатини қандай планлаштириш керак деган саволига жавоб берди. Эндиликда янги комбинатларни қаерда ва қандай қуриш лозимлиги, қоғозни қандай хом ашёдан тайёрлаш кераклиги венгриялик дўстларимизга маълум.

Машина—тадқиқотчи, машина—лойиҳаловчи, машина—технологик процесс командири. Бу тушунчалар ҳаётимизга сингиб бормоқда. Украинада яқин да бир электрон машина яратилди. Бу машина ўн кун ичида лойиҳалаш бюросининг тўрт ойлик ишини тажрибали инженерлар каби пухта бажариб берди.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида инсоннинг электрон хизматчилари ўз қобилиятини намойиш қилди. Бу машиналар станоклар ёки автоматик линияларнигина эмас, балки цехлар ва заводларни ҳам бошқара олади. Москвада автоматик подшипник заводи қурилмоқда. Бу заводга технологияни ўзгартира оладиган, ишлаб чиқаришни тўхтата оладиган, ишдан чиққан блокни янгиси билан алмаштира оладиган математик ҳисоблаш маркази «раҳбарлик» қилади. Энг муҳими эса амалда инсоннинг иштирокисиз, аниқ приборлар томонидан пухта текширилган маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Электрон машиналарнинг ҳозирги иши ана шундай. Ақлли машиналарнинг келажаги эса жуда каттадир.

Борис ГЛЕБОВ.

ЯНГИ АНТИБИОТИК

Темиратки, кал, қўтир каби замбуруғ касалликлари суркайдиган турли дорилар, рентген нури ёрдамида, соч ва тирноқларни олиб ташлаш орқали даволанарди. Бироқ бундай даволаш яхши самара бермасди. Замбуруғли инфекцияни бутунлай йўқ қилиб ташловчи янги дори топиш зарур эди.

Ленинграддаги антибиотиклар илмий текшириш институтининг химиклари, технологлари ва фармакологлари ана шундай дорини топишга муваффақ бўлдилар.

1963 йилда янги дори — гризеофульвин мамлакат аптекаларига чиқарилади.

БЕШ ЛИТР ҲАЁТ

ШИФОБАХШ ИЛДИЗ

Киши танасида қон доим айланиб туради. Катта кишиларда ўртача 5 литр қон бўлади. Қон пластинкалари ҳамда оқ ва қизил қон таначаларидан иборат бўлган суюқ плазма ҳаёт манбаи бўлибгина қолмай, балки, уни муҳофаза қилиб ҳам туради.

Ҳозир Совет Иттифоқидаги барча йирик шаҳарларда қон сирларини ўрганувчи институтлар ташкил этилган.

Тошкентдаги гематология институтида лейкоз — қон раки натижасида юз берадиган биохимик ва иммунологик ўзгаришлар ўрганилмоқда.

Еш олим Муҳаммадёр Шокиров халқ медицинасида қўлланиб келинган дориворларни ўрганмоқда. Биз кўпинча овқатга кавил мевасини солиб истеъмол қиламиз. Лекин кавил илдизининг шифобахш хусусияти борлигини кўнглимизга ҳам келтирмаймиз. Маълум бўлишича, кўп қон касалликларига кавил илдизи шифо бўлаолади. Доктор Шокиров ана шуларни аниқлади.

Институтга кўп беморлар келтирилади, уларнинг кўпига тоза қон қуйишнинг фойдаси йўқ. Масалан, ош қозон яраси билан оғриган беморларда оқсил етишмайди. Аммо уларга қон қуйишнинг фойдаси йўқ. Чунки оқсил етишмаса ҳам, эритроцитлар етарлидир. Бундай беморларга қон қуйиш ўрнига уларнинг қонига оқсил суюқлиги юбориш фойдали эмасми? Олимлар ана шу йўлнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Баъзан беморга фақат оқ қон таначалари—лейкоцитлар қуйиш лозим бўлади. Лейкоцитлар қонда инфекция пайдо бўлганда катта фойда беради. Оқ қон таначалари инфекциянинг тарқалишига йўл қўймайди. Агар киши қонида лейкоцитлар камайиб кетса, унинг организми микробларга қарши курашиш қобилиятини йўқотади.

Бемор Т. институтга келтирилганда, унинг қонидаги лейкоцитлар нормадагидан деярли тўрт баравар кам эди. Унинг қонига аста-секин лейкоцитларни қуйиб борш йўли билан оқ қон таначаларини икки баравар кўпайтиришга бор-йўғи икки ҳафта вақт кетди.

ПЛАЗМА СИРЛАРИ

Қоннинг суюқ қисми — плазмаларни қуйиш ҳам яхши натижа бермоқда.

...Бемор М. нинг ёши анчага бориб қолган. Унинг жигари оғриб, модда алмашинуви бузилганлиги учун қорни ишиб кетди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам юраги қаттиқ ура бошлади, нафас олиши қийинлашди. Аёл институтга келди. Текшириш натижасида маълум бўлдики, бу аёлнинг қонида гемоглобин миқдори атиги 32 процентни ташкил қилар, жигари эса деярли 10 сантиметр кенгайган экан, Одатда бундай беморларга қон қуйилади. Лекин врач даволашни кучайтиришга қарор берди. У беморга қон плазмасини қуйди. Натижада қорин бўшлиғида тўпланиб қолган суюқлик одатдагидан бир ярим баравар тезроқ йўқола бошлади. Жигари ҳам нормал ҳолатга қайтди. Плазма беморга ана шундай таъсир қилди.

Институтнинг илмий тадқиқот ишлари планида ҳозир янги тема пайдо бўлди. Бу ерда фибринолиз қондан қуриқ плазма олиш ўрганилмоқда. Ахир қуриқ плазманинг афзалликлари катта: уни бир ой эмас, ҳатто беш йилгача сақлаш мумкин. Узоқ жойларга ҳам юбориш осон бўлади. Консервалаштирилган қон махсус идишларда 4—6 градус иссиқликда сақланади. Қуриқ плазмани эса оддий шароитда сақлаш мумкин. Бу сариқ порошокни тозаланган сувда эритилса, беморга қуйиш учун тайёр бўлади. Яна шунисн ҳам борки, плазмани беморга қуйиш учун зарур бўлган суюқликда тайёрлаш мумкин бўлади.

ФАҚАТ ҚОН ҚУЙИШ КЕРАКМИ?

Болалар, айниқса ёшга тўлмаган болалар токсик диспепсия билан кўп оғрийдилар. Бундай касалликка учраган болаларнинг ичи кетади. Бу касаллик оналарни жуда ташвишга солади. Ҳатто фан ҳам бу касалликни даволаш йўлларини узоқ вақтгача топаолмади. Ахир токсик диспепсия билан оғриганда, беморга қон қуйиб бўлмайди-да. Институтда қон ўрнига поливинилпиралидон муваффақият билан қўлланилмоқда.

...6 яшар Ира ўзини билмай қолди. Ҳушига келгач эса, атрофидагиларга бефарқ назар ташлар, овқат емас, ҳатто чой ҳам ичмас эди. Бола ўлим тўшагида ётарди. Врачлар унга поливинилпиралидон беришга қарор қилишди. Бу доривор Иранинг ахволини яхшилаш. Бир қанча вақт ўтгач, соғлом ва қувноқ Ирани уйига юбориш мумкин бўлди. Қон ўрнига ишлатиладиган поливинилпиралидон беморга қондан ҳам самаралироқ таъсир қилди.

Баъзи касалликларда қон эмас, унинг ўрнини босадиган дориларни қуйиш фойдалироқ эканлиги маълум бўлди. Доктор Абдуқодир Тўраев буни 100 та болада синаб кўрди. Ҳамма ҳолларда ҳам дори яхши натижа берди. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда биринчи марта токсик диспепсиянинг баъзи формаларида болаларга полиглюкин қуйила бошлади. Бу дори пасайиб кетган қон босимини тез ошириб, нормадаги ҳолга келтиради.

Институтда яқинда ташкил этилган лабораторияда қоннинг ўрнини босадиган дориларнинг кўп турлари — коллоидли, оқсилли дорилар ўрганилмоқда. Лаборатория ходимлари Ўрта Осиё республикаларида ишлатиш учун аминокровин ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Қонда оқсиллар камайиб кетганда бу дори жуда қўл келади.

СОҒЛИҚ АТОМИ

Радиология лабораториясида эритремия касалига учраган, қизил қон шариклари ошиб кетган беморларни даволашда изотоп-радиоактив фосфордан фойдаланилмоқда. Бемор К. бундан бир неча йил муқаддам шу касалликка учраганда, соғ қолмаган бўлардн. Унинг қонида эритроцитлар нормадагидан икки баравар кўп, гемоглобин эса 130 процентдир. Радиоактив фосфор билан даволаш натижасида бемор анча тузалиб меҳнат фаолиятига қайтди.

...Шота Руставели кўчаси, 138-уй. Бу адресни юзлаб кишилар ҳурмат билан айтадилар. Улар бу институтда шифо топганлар.

Анна МИРЛИС,
«Новости» матбуот агентлигининг мухбири.

МОСКВА 1-мебель-йиғув комбинати конструкторлари замонавий қулай мебелларнинг янги хилларини яратдилар. Яқин кунларда кўплаб ишлаб чиқариладиган бу мебеллар, шубҳасиз, харидорларга манзур бўлади. СУРАТДА: бир хонали квартира учун янги мебеллар.

Б. Трепетов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

БАРМОҚ УЧИДАГИ КЎЗ

Ўтган йилнинг декабрь ойида «Новости» матбуот агентлиги оддий типографик ёзувларни панжалари билан ўқийдиган, фото-суратда кишиларни кўрсатиб бера оладиган ва ҳатто буюмларнинг рангини аниқлай оладиган Нижний Тагиллик ёш аёл Роза Кулешова тўғрисида ёзган эди.

СССР Фанлар академияси Информация узатиш проблемалари институтининг таклифига биноан Роза Кулешова 1962 йил декабрь ойининг бошларида Москвага келди. Дмитрий Мирза ва Диана Богоявленская ҳамда профессор Филипп Бассин томонидан ишлаб чиқилган тадқиқотлар циклига ёруғликни сезиш гипотезасини ўрганиш киритилган эди. Бир неча тажриба серияси натижасида ажойиб факт аниқланди. Роза Кулешованинг бармоғи терисининг остида, эҳтимол терининг ўзида ёруғликни қабул қилиб оладиган чинакам органлар, ўзига хос кўриш органи бор экан.

Тажрибада Роза қора ёки ёруғ жойларни буюмнинг текислигига қараб аниқлайдими, деган масалани ҳал қилиш лозим эди. Бунинг учун тасаввур сутсимон рангдаги ойнага туширилди.

Маълумки, бундай қилинганда экран сатҳининг текислиги унинг ёритилиш даражасига мутлақо боғлиқ бўлмайди. Шунга қарамай Роза қўлини экранга қўйиб, қоронги ва ёруғ жойларини аниқлади.

Роза ёруғликни эмас, балки температура ўзгаришини сезмаётганмикин? Ахир экраннинг ёруғроқ қисмида ҳарорат қоронги жойидагига нисбатан бир градуснинг юздан бири даражасида бўлса ҳам сал иссиқроқ-да. Бу масалани махсус светофильтр ҳал қилди. Олдин объектив олдига инфқизил (иссиқлик) нурларини тутиб қоладиган фильтр ўрнатилди. Лекин Роза экраннинг ёруғ тушиб турган қисмини кўрсатиб берди. Шундан сўнг ёруғликни тўсиб қоладиган, лекин инфқизил нурларни ўтказадиган фильтр қўйилди. Натижада ўзига хос иссиқлик расми пайдо бўлди. Роза эса уни аниқлай олмади. Шундай қилиб, Роза ўз бармоқлари билан рангни ҳароратнинг фарқига қараб аниқлайди, деган тахмин ҳам нотўғри чиқди. Демак у бармоқлари ёрдамида рангни кўра олади!

Кўриш соҳасида ишлаётган ёш физик олимлар Михаил Бонгард ва Михаил Смирнов тажриба натижасида Розанинг бармоқларида чинакам кўриш органи борлигига ишонч ҳосил қилгач, профессор Николай Нюберг маслаҳатига асосан кўзни текширишда қўлланадиган тажрибалар сериясини ўтказдилар.

Кўзда миллионлаб таёқчалар ва колбочкалар бўлганлиги учун у ўткир бўлади. Роза Кулешованинг бармоқлари тўғрисида нима дейиш мумкин? Унинг бармоқларида ёруғликни қабул қилиб олувчи органлар нечта? Махсус суратлар—нуқталардан ташкил қилинган чизиқлар (бу чизиқлар бирбиридан турли узоқликда жойлаштирилган) ёрдамида Розанинг бармоқлари учида ҳар бир квадрат миллиметрида 10 тага яқин ёруғликни сезадиган элемент мавжудлиги аниқланди.

Шундан сўнг Роза Кулешова рангларни қандай ажрата олишини аниқлаш лозим эди. Тажриба натижасида маълум бўлдики, Розанинг бармоқларида «қизил», «кўк» ва «яшил» приёмниклар бор экан. Уларнинг спектраль сезгирлиги инсон кўзидаги колбочкаларга жуда тўғри келади.

Бундан кейинги тажрибалар Розанинг ёруғликни сеза оладиган бармоқлари билан бизнинг кўриш органларимизнинг ўхшашлигини тасдиқлади.

Қизил ранг бирданига кул ранг тусдаги рангга алмаштирилса, бизнинг кўзимизга у кўк бўлиб кўринади. Розанинг бармоқлари ҳам рангларни худди шу тарзда кўради. Биз ёруғлик инерцияси туфайли кино ёки телевизор кўрганимизда кадрларнинг алмашинишини сезмаймиз. Розанинг бармоқлари ҳам худди шундай. Биз ўзимиз сезмаганимиз ҳолда кўзимиз муттасил ҳаракат қилиб туради. Агар кўз ҳаракатдан тўхтаса, биз ҳеч нарсани кўрмай қоламиз. Худди шу каби Кулешова ҳам тасвирларни кўриш учун бармоқларини қимирлатиб туради.

Буларнинг ҳаммаси жуда қизиқ, лекин унинг амалий аҳамияти, фан учун қиммати борми?

Шу нарса аниқки, Роза Кулешованинг иккинчи кўриш элементлари ҳар қандай мутахассисликдаги олимларни қизиқтирмай қолмайди. Жонли организм эволюциясини ўрганаётган олимларга ёруғлик ва рангни қабул қилиш системалари қандай пайдо бўлганлигини, у аввал қандай тарзда бўлганлигини ўрганишда катта ёрдам беради. Турли ҳужайраларнинг тузилишини ўрганувчи гистологлар янги ёруғликни сезувчи элементлар қаерда жойлашганлигини ва қандай тузилганлигини ўрганишга уриниб кўришлари турган гап.

Яна бир муҳим вазифа ҳам бор. Бошқа кишиларнинг бармоғида ҳам ёруғликни сезадиган элементлар борми ёки бу камдан-кам учрайдиган хусусиятми? Кўп кишиларни текшириб кўриш натижасидагина бу саволга жавоб бериш мумкин.

Р. СВОРЕНЬ,
«Новости» матбуот агентлигининг илмий комментатори.



Узоқ шимолда Магадан иссиқлик электр станцияси қурилмоқда. Қурилиш ишларини тезлаштиришда И. Г. Андриенко раҳбарлик қилаётган бригада коллективи алоҳида ўрнак кўрсатяпти. Ўртоқ Андриенконинг ўзи 35 йилдан буён энергетика қурилишларидаги муҳим участкаларда самарали ишлаб келмоқда. У бошлиқ монтажчилар бригадаси объектни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун мусобақани кучайтириб юборди. Суратда: бригадир И. Андриенко илғор монтажчи В. Мусатовга топшириқ бермоқда.

Ю. Муравин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

АБУ АЛИ ИБН СИНО — МУЗИКА НАЗАРИЁТЧИСИ

Яқин пайтларгача музика созланиши — классик гамма XVI асрда икки итальян музика назариётчилари — Л. Фольяни ва Ж. Царлино томонидан яратилган деб ҳисобланиб келинарди. Ваҳоланки, бу созланиш Ўрта Осиёда Италия назариётчиларининг кашфиётидан 500 йил илгарироқ маълум бўлган. Тошкент Давлат консерваториясининг доценти Б. Гулисашвили буни аниқлади.

Ўрта асрларда музика товушлари ва уларнинг оралиги рақамларда ифодаланар эди. Аммо Абу Али ибн Синонинг рақамлари ҳамма томонидан қабул қилинган коддаги рақамларга ўхшамас эди. Б. Гулисашвили бу рақамларнинг маъносини ечишга муваффақ бўлди.

(«Известия», 23 январь).

ҲАР СОҲАДАН

ҚОЗОҒИСТОННИНГ РАНГЛИ ЦЕМЕНТИ

Сас-тюбинск заводи (Қозоғистон) рангли ва оқ цемент ишлаб чиқара бошлади. Бундай цемент рецепти Чимкент шаҳрининг илмий институтларидан бирида ишлаб чиқилган. Олимлар оқ цемент олишга муваффақ бўлдилар. Унга турли табиий рудалар ва бўёқ қўшилса, цемент ҳар хил тусга киради.

ГИБРИД БАЛИҚ

Совет олими Н. И. Николюкин стерлядь ва белуга балиқларини чатиштириб балиқнинг янги зотини яратди. Бу балиқ стерлядь каби тез ўсади ва белуга каби катта бўлади. Бундан ярим йил олдин Волгоград осетра заводи Пролетарск сув омбори (Ростов области)га 300 минг гибрид балиқ боласини қўйиб юборган эди. Бу балиқларнинг ҳар бири ҳозир 250-260 граммга етди.

ЎЗГАН ЁДГОРЛИКЛАРИ

Қадимги ўзбек шаҳарларидан бири Узганнинг машҳур ёдгорликлари — бундан тахминан 9 аср муқаддам қурилган минора ва 3 қабр Самарқанд илмий реставрация устахонасининг энг яхши усталари томонидан қайта тикланади. Бу бинолар ўйма расмлар, орнаментлар ва ёзувлар билан безатилган. Қадимги усталар томонидан турли чуқурликда ўйиб солинган бу безаклар қуёш нури тушганда ажойиб товланади.

БУХОРОДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Бухоро жамоатчилиги шаҳар касалхонасининг 50 йиллигини нишонлади. Бу бутун Бухоро амирлигида ташкил этилган 10 ўринли биринчи касалхона эди. Бухорода касалхона очилгунга қадар фақат 5 врач бўлиб, шундан ҳам уч врач амирга ва унинг яқинларига хизмат қилар эди.

Ҳозир Бухоро областида 98 касалхона ва диспансер бор. Уларда 460 врач ва уч мингдан ортиқ ўрта маълумотли медицина ходими ишламоқда.

Х. Э. ТЎРАЕВ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети республика радиоэшиттириш «Сўнгги ахборот» редакциясининг бош редактори Ҳаким Эшонович Тўраев 1963 йил 24 январда тўсатдан вафот этди.

Х. Э. Тўраев 1920 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1938 йилдан бошлаб «Бухоро ҳақиқати», «Каттақўрғон ҳақиқати», Самарқанд область «Ленин йўли» газетаси, «Қизил Ўзбекистон» ва «Ёш ленинчи» газеталари редакцияларида ишлади.

1942-1943 йилларда Совет Армияси сафларида хизмат қилди, немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда иштирок этди. Х. Э. Тўраев армиядан қайтиб келгач, яна журналистлик фаолиятини давом эттирди. 1950 йилдан буён у республика радиосида ишлади. Х. Э. Тўраев ўзининг бутун кучини, бутун журналистлик маҳоратини Ватанга хизмат қилишга бағишлади. Халол ва виждонан ишлаб, ўртоқларининг ҳурматини қозонди.

Х. Э. Тўраев Совет Иттифоқининг медаллари билан уч марта ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ҳаким Эшонович Тўраевнинг ёркин хотираси қалбимизда доимо сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 ЯНВАРДА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Қизил галстук** телевизион журнали, 18.50 — **Санъат халқникидир** (адабий эшиттириш), 19.10 — **Телевизион янгиликлар**, 19.25 — **Илғор чорвадорлар рапорт беради**, 19.45 — **Куйлаймиз, рақса тушамиз** (ёшлар учун), 20.20 — **Совет суди—халқ манфаатларининг содиқ ҳимоячиси.**

Рус тилида: 20.35 — **Халқаро масалалар** (комментатор суҳбати), 20.55 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Музикали календарь**, 22.05 — **«Здоровье»** журнали, 22.15 — **Алексей Баталов** («Совет киноси усталари» циклидан), эшиттиришдан кейин — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/I да **Травиата**, 26/I да **Кашмир қиссаси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/I да **Олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/I да **Тошболта ошиқ**, 26/I да **Кимга тўй, кимга аза.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Зинаида Тарасова ва Украина цирки артистларининг гастроллари.** Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Сафра — «ВАТАН» (кундуз соат 3, кеч 5, 6.40 ва 8.20 да), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир қишлоқ йигитлари — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, 11.40, кундуз 1.20 ва кеч 9.45 да).

Етти азамат — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да).

Тўйдан кейин — «ЁШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА» (2-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (кундуз соат 2, 4 кеч 6 ва 8 да).

Уч мушкетёр — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Улимга ҳукм қилинган қочди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қўрқоқ — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6, 8 ва 10 да).

Тош устидаги гул—«ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да).

Буюк Карузо — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
27, 29, 30, 31 январда
ОЗАРБАЙЖОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН КОЛЛЕКТИВ
70 кишидан иборат
ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ
ГАСТРОЛЛАРИ
Задиий раҳбари — Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Д. Жонгиров.
Кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
25 январда
МИРЗО УЛУҒБЕК
Мирзо Улуғбек ролида — СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов.
Спектакль кеч соат 7 да бошланади.

«ТАШГИПРОТРАНС»ГА
инженерлар ва техниклар: қидирувчилар, станционниклар, геологлар ва гидрогеологлар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Полторацкий кўчаси, 23-уй.

1-Оқлон, Ибн Сино кўчаси, 10-уйда турувчи Ҳаҳназар Маҳкамовнинг Қарши кўчаси, 71-уйда турувчи Маъмура Маҳкамова (Саъдуллаева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Катта Қозиробод кўчаси, Смольний проезд, 183-уйда турувчи Маҳмуд Муҳамедовнинг шу уйда турувчи Зоя Ҳакимовна Муҳамедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси ҳамда «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясининг коллективи СССР Журналистлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг республика радиоэшиттириш «Сўнгги ахборот» редакциясининг бош редактори, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг собиқ ходими

Ҳаким Эшонович ТУРАЕВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оиласига таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг коллективи республика радиоэшиттириш «Сўнгги ахборот» редакциясининг бош редактори

Ҳаким Эшонович ТУРАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига чуқур таъзия билдиради.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06149. Индекс 64543. Нашр. № 21.